БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 10 апрель Сешанба
№ 68 (13. 504).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ҳамманинг нигоҳи Москвада



(Москва, «Ёш ленинчи» махсус мухбирлари Жаббор РАЗЗОҚОВ ҳамда Ҳайдар АКБАРОВ телефон орқали хабар қиладилар).

Жумҳуриятимиз навқирон авлодининг вакилларини қудратли «Ил-86» ҳаво тайёраси бир пасда ўз манзилига етказиб қўйди. Парвоз олдидан ёмғир бир неча соат ёққан бўлса-да, дилларга ғуборлик сола олмади. Ҳарчанинг юзларида табассум, кўзларида эса ўзгача қувонч шундоқ сезилиб турарди. Бу кайфият 4 соатлик парвознинг ҳам қандай ўтганлигини сездирмади. Суратчи мухбиримиз Еркабой Ботиров тайёра ичида яъни 9 минг метр баландликда ҳам съезд делегатларини «тинч қўймади». Унутилмас лаҳзаларни суратга туширди.

«Домодедово» аэропортида делегатларни БЛКЕИ Марказий Қўмитасининг масъул ходими кутиб олди. Шу ердаёқ биз бу анжуман ишқибозларидан анчагина фарқ қилишини ҳис этдик. Олдинлари бўлганидек, ҳеч қаерда бирон бир шиор ёки чақириқлар кўринмайди. Митинглар, тантанали мусиқа садоларига чек қўйилган.

Делегатлар учун «Россия» меҳмонхонасининг эшиклари очиқ. У ерда ҳам тантана ёки дабдабани эслатувчи чақириқлар йўқ. Меҳмонавозлик ў ёқда турсин, делегатларга кўрсатиладиган ҳурмат ва эҳтиром ҳам сезилмади. Жойлашишдаги қийинчиликлар, ноқулайликлар бизни анча овора қилди.

Делегатларнинг аввалги анжуманда бўлганидек, Катта Кремлнинг машҳур залларида тантанали вазиятда эмас, балки оддийгина — БЛКЕИ Марказқўмининг мажлислар залида рўйхатга олишди. Бу ерда ҳам одамлар тирбанд. Ташкилий ишлар яхши эмас. Гўё шу ноўрин усуллар билан қайта қуриш ва ошкораликни намойиш қилишаётгандай. Аслида эса гўё масъулият ҳисси, ёшлар иттифоқини таназзулдан олиб чиқиш ўйи кўпчиликни унчалик қизиқтирмаётгандек. Яна бир бор таъкидлаш жоизки, Марказқўм биносида делегатларга аввалгилари бўлгани каби қимматбаҳо совға-саломлар эмас, балки оддийгина иш ҳужжатларини «улашиш»ди. Ҳатто съезд делегатининг тарихий белгиси бўлмиш бирор бир нишон ҳам берилмади. Фақатгина эсдалик учун суратга туширишди холос.



Бу ерда ҳаммани бир ўй қамраб олган: **«Комсомол-ёшларнинг етакчи иттифоқи сифатида қоладими ёки йўқми? У агар ўз мавкеини сақлаб қоладиган бўлса, қандай бўлиши керак? Комсомолни ким бу оғир аҳволдан олиб чиқишга қодир?..»**

Шу саволлар ҳар бир делегатни қийнаяпти, ташвишга солаяпти. Биз яшаётган хоналардан бирида ана шундай мунозарали суҳбатлар ярим тунгача давом этди. Ҳатто биздан ҳам сўрашди: Сизлар кимга овоз берасиз? «Ким бутун биринчи котибликка лойиқ?» Қийин ва мураккаб саволлар. Уларга жавоб топишнинг ўзи бўлмайди. Бу саволлар йирик анжуман қатнашчилари ўртасида анчагина баҳс мунозараларга сабаб бўлиши аниқ. Кураш ҳали олдинда.



Делегатлар суҳбатига қўшиламиз. Улар нималар дейишмоқда:

— Комсомол Совет Иттифоқидаги иккинчи алоҳида партия бўлиши керак.

— БЛКЕИнинг асосий вазифаси аъзо ва аъзо бўлмаган кам даромадли ёшларга моддий ёрдам кўрсатишдир.

— БЛКЕИга қабулни тубдан ўзгартириш керак. Қуруқ ва номига ёдга олишлардан воз кечиш, фақат муносибларни қабул қилиш керак.

— Ҳуқуқий давлатда армия, ҳаво, денгиз флоти, ички қўшинлар ва давлат хавфсизлик органлари бирон бир сиёсий партияларга тегишли бўлмаслиги керак. Хизмат даврида у ёки бу партияга, ёшлар иттифоқига аъзолик вақтинчалик тўхтатилиб қўйилиши даркор.

— БЛКЕИнинг раҳбар ходими 35 ёшдан ошмасин...

Фикр ва ғоялар, жумбоқли саволлар... Улар жуда кўп. Бу саволларга эртага меҳмонхонага туташ бўлган давлат концерт залида ўз ишини бошлайдиган БЛКЕИнинг XXI съезди жавоб берса ажабмас. Чунки бугун ҳамманинг нигоҳи Москвада. Барча ёшларга, навқирон авлодга ишонмоқда. Улардан жиддий, умидли қарорлар кутиляпти. Бу ҳақда биз кейинги мақолаларда батафсил ҳикоя қилиб борамиз.

* * *

Суратларда: делегатлардан бир гуруҳи.

Сураткаш Е. БОТИРОВ.

Съездолди ўйлари

Комсомолнинг истиқболи борми?

Бу савол ҳозирги кунда ҳар бир йигит ва қизни, иттифоқ аъзоси ва комсомол ходимини тўлқинлантираётган, ўйлантираётган, изланишга мажбур этаётган долзарб масала. Комсомол сўнгги уч йилда жўшқин, бир қолипга тушмаган ва ҳис-ҳаяжонга берилган, баъзан жиғибийрон ва баъзан вазмин яшади. Баъзан жўшди ва қайнади, ижозат этилган ва этилмаган митинглар уюштирди, СССР Марказий сайлов комиссиясига норозилигини билдирди, ноҳия фирқа қўмиталарини ҳатто судга берди. Иттифоқ дарз кетди ва янги сиёсий оқимлар ёнма-ён келди. Ўта қурумсоқлар ҳам Чернобиль жабр-дийдаларига пул ажратишди. Комсомол билетларини Спитак вайроналари кўмди ва ўтда ёқилди ҳам. Ўта фаоллар ўз маошларини оширдилар. Аппарат миқдорини қисқартирдилар. Комсомол катта анжуманининг белгиланган беш йилни кутиш зарур эмас, Бундан буён нима қилиш керак, ички иттифоқ муносабатларини, ҳозирги амал қилиниб келинаётган Уставга мувофиқ фирқанинг «резерви ва ишончли ёрдамчиси» бўлган комсомолнинг КПСС билан қандай ҳамжиҳатлик асосига қуриш лозимлигини аниқ белгилаб олиш керак, деган хулосага келинди

Бир сўз билан айтганда, бундан буён қандай яшамоқ керак! Ана шу ҳақда Москвадаги Ёшлар уйида, ва «Россия» меҳмонхонасида — съезд йиғинлари ўтадиган ҳамма жойда баҳслашадилар

Жумҳуриятимиз комсомол делегатлари съездга учиб кетиш олдидан шу делегатлардан бири, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг котиби АБДУРАШИД ҚОДИРОВ билан жамоатчи мухбиримиз мулоқотда бўлди. Мусоҳаба анжуман мавзуси доирасидан чиқиб, ўртага бир қатор долзарб масалалар қўйилди.

— Келинг, гапни делегациямиз кимлардан ташкил топганлигидан бошлайлик. Сиз бу ҳолатни ёритиб беришингизни истардим. Ахир аввал ишчилар, зиёлилар, КПСС аъзолари қанча фоизни ташкил этишини белгилаб қўйишарди. Мен «Миконд» заводида ишлаган пайтимда комсомол қўмитаси ходимларига бир аёлни — ҳозир унинг исмини айтишни истамайман — делегат қилиб кўрсатишни юклашганлигини яхши эслайман. ВЛКСМ XIX съездига тайёргарлик ишлари борарди.

ВЛКСМ XVIII съездига делегат қилиб тўғри сайлашган. Комсомол XIX съезди эса бу бошқа гап. Чунки у мана шу икки йил мобайнида боласига қараш билан банд бўлиб, ишлагани йўқ. Бу ўринда қандай жамоатчилик иши тўғрисида гап бўлиши мумкин! Лекин шунга қарамай юқоридан айни уни делегат қилишни талаб қилишди. Чунки комсомол XVIII ва XIX съездлари ўртасида фирқа XXVI съездида делегат бўлган эди. Тушунишимча, комсомол XIX съезди делегатлар орасида фирқа съездининг делегати бўлишини обрў деб билишганларини тушунаман.

Ҳозир ҳаммаси ижобий томонга ўзгарганига шубҳам йўқ. Лекин бу ўзгариш қандай! Делегациямиз таркибида кимлар бор! У ўтган йиллардагидан кескин фарқ қиладими!

— Айтганингиздек ҳозир бутунлай бошқача. 16 минг комсомол аъзосидан бир делегат сайлаш нормаси бизга вилоят комсомол ҳисобот-сайлов конференцияларида 172 кишини сайлаш имкониятини берди. Бироқ биз биргина делегатни комсомол Марказий Қўмитаси пленумида сайладик. Самарқанд вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Бекзод Зокиров. Бу ҳуқуқ вилоят комсомол конференциясида берилган бўлиб, биринчи котиб учун ўрин қолдирилганди. Бу ким бўлиши ҳали номаълум эди. Чунки сайлов муқобил асосда ўтганди. Бекзодни сайлашди.

Умуман делегатларни тавсия қилиш бошланғич комсомол ташкилотларининг таклифи бўйича бўлиб, улар конференцияларда ҳуқуқий расмийлаштирилди.

— Ўтган йилдагиларга қараганда комсомол ходимлари кўпчилик эмасми!

— Аввало, биринчидан, делегатлар сони ҳозир ўтган съезддагига қараганда икки карра кам. Съездга делегат қилиб ҳақиқатан ҳам ўз «ҳамкасабалари» ўртасида ажралиб турган комсомол ходимлари сайланганлар, деб ҳисоблайман. Бу биз одатда тушунган маънодаги «номенклатура» эмас. Бу йигитлар ўз нуқтаи назарлари, ишлари билан комсомолларнинг, айтишим мумкинки, сайловчиларнинг ишонч мандатига сазовор бўлишган.

— Сизни қаердан делегат қилиб сайлашди!

— Қашқадарё вилоятидан. Қарши ноҳия комсомоллари менинг номзодимни кўрсатиш таклифини киритишди, номзодимни делегатликка номзод қилиб кўрсатишганда Қарши ноҳия комсомол фаоллари билан учрашдим. Уларнинг кўпгина таклифларини эшитдим, қатор аниқ топшириқлар беришди, мулоқотимиз ғоят жиддий бўлди. Делегат ваколати катта вазифа юклашини тушунаман. Комсомоллар ҳузурида жиддий ҳисоб беришга тўғри келади. Мен съездда нималар бўлганлиги тўғрисида шунчаки сўзлаб берибгина қолмай, балки ўзимнинг ҳам, делегациянинг ҳам таклифлари ва хатти-ҳаракатлари қонуний бўлганлигини исботлаб беришимга тўғри келади.

— Ҳозир матбуотда, шу жумладан жумҳурият ёшлар матбуотида ВЛКСМнинг янги Устави лойиҳасининг навбатдаги варианти, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг XXI съездига ҳисоботи эълон қилинган. Делегациямиз аъзолари съездда ўз таклифларини ишлаб чиқиш учун ана шу ҳужжатларни муҳокама қилишдими!

— Гапни яқинда жумҳурият комсомол Марказий Қўмитасининг бўлиб ўтган VII пленумидан бошлайман. Хабарингиз бор, пленум кун тартибида «ВЛКСМ XXI съездида жумҳурият комсомол ташкилотининг позицияси» муҳокама қилинди.

Пленумнинг эртаси куни музофот кенгаши бўлиб ўтди. Барча делегатлар зарур ҳужжатларни олдилар, улар билан танишиб чиқиш, ўрганиш, фикр алмашиш имкониятига эга бўлдилар.

Агар гап бўлажак съездда комсомол Марказий Қўмитасининг умумий позицияси тўғрисида боргудек бўлса, пленумнинг қарорларида бу принцип етарли даражада аниқ-равшан баён қилиб берилган.

Биз мустақил ёшлар сиёсий ташкилоти сифатида ташкил бўлган ВЛКСМ тарафдоримиз. Комсомолларимизнинг ғоят кўпчилик қисми ана шу фикрда. Биз эса **ВЛКСМ ўзининг мутлақо аниқ сиёсий ҳаракатномасига эга бўлган ёшларнинг мустақил ижтимоий ташкилоти** бўлиши тарафдоримиз.

Бунда асосий йўналиш сиёсий мақсад, ёшлар ўртасида иш олиб боришнинг сиёсий шакллари ва усуллари бўлиши мумкин. Бу биринчидан,

Иккинчидан, ВЛКСМ келгусида мустақил ташкилот бўлиб, ўз ишини давлат ва жамоат тузилмасининг ўзига хослигини ва ўз-ўзини ривожлантириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилишига амалда барчамизнинг ишончимиз комил. Бошқа сўз билан айтганда жумҳуриятлар, эҳтимол келгусида мухторият ташкилотлар барча тўла ҳуқуқларга эга бўлган ҳолда тенг ҳуқуқлилик асосида уюшиши мумкин. Улар федерация миқёсларида умумий комсомол муаммоларини ҳал этиш учун марказга ўз делегатларини ажратишлари мумкин.

Бунда биз нимани назарда тутяпмиз?

Жумҳурият комсомол ташкилоти тасарруфида бўладиган иттифоқимизнинг тузилмасини, бюджети, ҳисобга олиши, сайлаб қўйиладиган органларини шакллантирилишини, корхоналар ташкил этишни, ўз Уставимиз, ўз Ҳаракатномамиз ва бошқаларни назарда тутаяпмиз.

Бироқ марказий сайлаб қўйиладиган орган томонидан ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар ҳам бор. Бу, афтидан, сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, биргаликда фаолият кўрсатишни мувофиқлаштириш, олий ҳокимият органларига қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқидан фойдаланиш, ёшлар ҳаракатларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш, ёшлар муаммоларини тадқиқ қилишни ўтказиш, федерациядаги ёшлар иттифоқлари ўртасидаги баҳс ва низоларни ҳал этишга кўмаклашиш ва шу сингари масалалар бўлиши мумкин.

— Сиз кўпинча «сиёсий ташкилот», «сиёсий мақсад» ибораларини такрорлаяпсиз. «Комсомольская правда»нинг яқинда эълон қилинган сонларидан бирида ВЛКСМ Ҳаракатномаси лойиҳасига В. Мироненко шарҳида шундай дейилган: «Комсомол — сиёсий фирқа эмас, бу — ёшлар ташкилоти... Агар сиёсий фирқа учун сиёсий мақсад, жамият турмуши тузилишининг маълум кўринишига эришиш асосий ҳисобланса, ёшлар иттифоқининг, шу жумладан коммунистик иттифоқининг мақсади ўзининг инсоний жиҳатини намоён этишдан иборат».

— Бир маънода айтишим мумкинки, ВЛКСМ сиёсий ташкилот бўлмаслиги керак деган кимсаларни тушунмайман.. Тўғри, ҳозир СССР Конституциясидан, жумҳуриятимиз Конституциясидан ҳам ёшлар манфаатини ВЛКСМ ифодаловчи ҳукмронлик ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган 7-моддаси олиб ташланди. Айтгандек, биз ҳам ўзимизнинг VI пленум резолюциясига ёшлар ҳаракатларига якка ҳукмронликдан воз кечганлигимиз ёзиб қўйилди. Комсомол фаолиятининг айни ҳозирги вазиятида сиёсий жиҳат устун бўлиши лозим деб ҳисоблайман, шахсан ўзим. ВЛКСМ сиёсий фирқа даражасига кўтарилиш имконияти йўқ, албатта. Чунки ёш жиҳатдан чегаралаб қўйилган. Иккинчидан, КПСС мавжуд, биз унинг ғояларини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

— Мана биз комсомолнинг КПСС билан ҳамжиҳатлиги тўғрисидаги ғоят ўткир масалалардан бирига яқинлашдик...

— Биз Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг VII пленуми резолюциясига истиқбол ва кундалик вазифаларини мустақил белгилаб олиб, фирқа сиёсатини ишлаб чиқишда ва рўёбга чиқаришда иштирок этиш орқали КПСС билан ғоявий бирлик асосида туришимизни ёзиб қўйганмиз. Ҳозир КПСС билан ҳамжиҳатликнинг янги тушунчаси пишиб етилган. —Агар биз фирқа ғоясини, унинг ҳаракатнома мақсадларини рўёбга чиқарар эканмиз, унинг сиёсатини ишлаб чиқишда нима учун қатнашмаслигимиз зарур?

— Ҳа, лекин ҳозир, фикримча, фақат менинг фикримгина эмас, КПССда реал ажралиш юзага келди. Унда «ўнг» ва «сўл» қанотлар юзага келди. Ҳатто учинчи оқим ҳам кўзга ташланмоқда. Агар бўлиниш содир бўлса, ВЛКСМ кимнинг ортидан боради!..

— Комсомол жамият тараққиётининг таркибий қисми. Ҳозир нимаики ижобий ишлар амалга оширилганлигини мутлақо унутиб қўйиб, фирқани ҳам, комсомолни ҳам койиш мумкин. Ахир КПСС-нинг ҳам, ВЛКСМнинг ҳам фаолиятида ижобий ишлар оз эмас. Коммунистик фирқада содир бўлаётган жараёнлар ёшларнинг кайфиятига, ишларига таъсир этиши шубҳасиз. Масалан, жумҳуриятимиз фирқа ташкилотида уни бўлиб юборишга олиб келадиган бирор-бир кучни кўраётганим йўқ.

Партияда бўлинишнинг ўзи нима? Ички сиёсий ҳаракатда кўпчилик ва озчилик оқими бўлиши мумкин эканлигини англайман. Демократик марказлаштиришни ҳозирги таърифига кўра, озчиликка ўз қарашларини назарийлаштириш, баҳслашиш, исботлаш ва бошқалар ноҳақ бўлсалар ишонтириш ҳуқуқи берилади. Лекин демократик марказлаштиришни янгича англашда озчиликнинг ташкилий шаклланиш имкониятини инкор этади.

(Давоми 2-бетда).

«Агар мен комсомол ходими бўлсам...»

Эркинлик керак

Мазкур ойнасўзнинг пайдо бўлиши «Ёш ленинчи»нинг бугунги кунда комсомол ташкилоти бошидан кечираётган аҳволдан жиддий ташвишланаётганлигидан далолат беради. Шахсан мен комсомол аъзоси сифатида азбаройи ёшлар иттифоқининг ҳолига ачинганимдан бу ойнасўзни илиқ кутиб олдим. Зора, оддий комсомоллар ўз ички дардларини ёриб, бу имкониятдан фойдаланиб, комсомол дучор бўлган «касал»га даво топишда ёрдам берсалар.

Рўзноманинг шу йил 21 февраль 36-сонида Гулчеҳра Алибоеванинг «Агар мен комсомол ходими бўлсам» ойнасўзи остида берган мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим, Бироқ, мухбирнинг баъзи фикрларига қўшилсам-да, айрим фикрларига қўшила олмайман. Нега?

Муаллиф, «агар мен комсомол ходими бўлсам, маош олишдан бош тортардим», дейди. Бу билан у ҳозирги вақтда комсомол органларида фаолият кўрсатаётган ходимларни ишламаётганликда ёки қилинаётган иш маошига лойиқ эмасликда айблашга ҳаракат қилмоқчи. Менимча, бу фикр нотўғри. Г. Алибоева нега бундай деяётганлиги хусусида ҳатто қавс ичида изоҳ ҳам бермаган. Бундан ташқари муаллиф «борган сари уларнинг пешонасини силаб-сийпаламоқда. Хизмат ҳақлари ошмоқда. Лекин қайси оширилган хизматлари учун?» дейди. Чамамда, адашмасам, мухбир комсомолда маошнинг ошганлигига норозидай. Бунга ҳам қўшила олмайман. Қолган барча фикрларини қўллаб-қувватлайман.

Тўғри, бизда маошига лойиқ иш қилмайдиган, номигагина ёки хўжакўрсинга иш юритадиган комсомол ходимлари кўп. Лекин, ҳаммаси эмас. Маошнинг оширилиши эса зарурат эди. Чунки бу комсомолнинг обрўсини оширишда ижобий роль ўйнайди, Қандай? Биринчидан, комсомол ходимларида масъулиятни ҳис этиш ортади, иккинчидан, номигагина иш юритишга аста-секинлик билан чек қўйилади.

Мен икки ярим йилдан буён ҳунар-техника билим юрти комсомол ташкилоти котиби бўлиб ишлаб келаман. Мана шу давр мобайнида комсомолнинг ҳақиқий юзини кўргандай бўлдим. Менинг фикримча, ёшлар иттифоқи чалинган «касал» дори билан тузалмайди, Қайта қуриш қишлоқларда комсомолга тўлигича кириб келган эмас. Ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй беряпти. Чунки ёшлар ўз ташкилотларини тубдан қайта қуришга тайёр эмаслар. Шунинг учун яқин келажакда комсомолга бериладиган эркинлик, мустақиллик ҳақида ҳозирча бош қотирмасак ҳам бўлади. Назаримда, биринчи галдаги вазифа, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгини оширишдан, фақат ходимлар эмас, балки оддий комсомолларни ташкилот фаолиятига принципиал (билиб-билмай эмас) баҳо бериш даражасигача етиштиришдан иборат бўлмоғи лозим. Бунда, албатта, комсомол ходимлари ишлашлари, бу вазифани айнан улар амалга оширмоқлари керак, деган фикр келиб чиқиши табиий. Бироқ ходимларнинг эркин ишлашлари учун шароит яратиш, ҳуқуқларини чегаралаб қўймаслик, йўл қўйилган хато учун уларни фақат тепкиламасдан, балки қўллаб-қувватлаш, йўл кўрсатиш керак-да. Бундан ташқари фирқага бўлган қарамлик (ёки фирқанинг комсомолга тазйиқи), ҳозир ҳам давом этаётган ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчиликка ҳам (комсомолда ривожланишнинг сусайишида, айниқса, булар салбий таъсир кўрсатмоқда) принципиал кўз билан қарайлик-да, (Мен қуйидан ноҳия комсомол ташкилотигача бўлган доирани назарда тутаяпман). Шунингдек, шароит тақозо этса-этмаса, юқоридан қуйига зудлик билан бажариш буйруғи асосида топшириқлар берилмаслиги лозим-да.

Мен етакчилик қилаётган ташкилот ҳар ҳолда ноҳияда яхши ташкилотлардан бири эканлигини ноҳия комсомол қўмитаси билади. Лекин тажрибамдан кўрдимки, ҳали ҳам биз эркин эмасмиз, катта-кичик хатога йўл қўйсак, бир томондан, юқори органдан, иккинчи томондан, юқори фирқа органларидан «гап эшитамиз» ва тавбамизга таянишга мажбур бўламиз, Бу эса ҳатто биз етакчиларда комсомолнинг (баъзи вақтлар ўзимизнинг ҳам) келажакка бўлган ишончга салбий таъсир этмай қолмайди.

Г. Алибоева бир ҳақиқатни тўғри англаб олган: «Ҳамма ишни (агар иш бор бўлса) бошланғичлар қилади. Шунинг учун асосий эътибор уларга бўлиши керак. Бажарувчи бир киши бўлиб, унинг устидан назорат қилувчилар ўнта бўлса-да, хулоса ўша битта — бажарувчининг фаолиятига қараб чиқарилади. Бу инкор қилинмайдиган ҳақиқатку». Мен ҳам бу ҳақиқатни инкор қилмайман.

Комсомол ходимига эркинлик керак. Ўз қобилиятини, билим ва тажрибаларини амалда қўллаш учун ҳам унга эркинлик керак. У таваккал қилишдан чўчимаслиги учун ҳам эркинлик керак. Ана шундагина у ён қўшнисидан, ночор оилалар аҳволидан хабар олиш, керак бўлса, уйини супуриб, овқатини тайёрлаб бериш у ёқда турсин, энг муҳими, комсомолнинг обрўсини ошириш, унинг мустақиллигини таъминлаш учун курашадиган, бу борада асосий куч бўлган ёш авлодни майдонга олиб чиқиш учун ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлашда бемалол жон койитиб ишлайдиган бўлади. Мен бунга аминман!

М. АКРАМОВ,
Оқдарё ноҳиясидаги 57-ҳунар-техника билим юрти комсомол ташкилотининг котиби.
Самарқанд вилояти.

Комсомолнинг истиқболи борми?

(Боши 1-бетда).

Бироқ озчилик чиқиб кетиши, ўзининг мустақил фирқасини ташкил этиши мумкин. «Бунга Литва, Эстониядаги КПССни ҳам, ВЛКСМни ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

— КПСС Марказий Қўмитасининг феврал (1990 йил) Пленумигача фирқалар тўғрисида гапириш мумкин эди. Ундан кейин бунинг маъноси қолмади, [illegible] сиёсий ўзгариш бошланишига асос қўйилди. Ҳар қандай «катта» сиёсий оқим ўз тарафдорларини [illegible] ёшлар муҳити ўртасида ҳам ўз тарафдорларини топишга ҳаракат қилинади. Келгусида, албатта, комсомолнинг рақиблари пайдо бўлади.

— Менимча, улар ҳозир ҳам мавжуд. Сиз ўтган йили ёзда, Литва комсомоллари ВЛКСМ билан алоқаларини [illegible] Литва комсомоли [illegible]

— Ўз муаммоларини ҳал этиш Литва комсомолларининг ички иши эканлигининг [illegible] тарафдори бўлиб қоламан. Лекин улар, менимча, [illegible] аввал ВЛКСМ Марказий Қўмитаси билан ҳам, бошқа жумҳуриятлар ташкилотлари билан ҳам маслаҳатлашиб кўришлари лозим эди. Литва комсомолларининг қарорларига юзага келган зиддиятларни ўз вақтида ҳал этмаган, жумҳурият комсомол ташкилотларига [illegible] ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг [illegible] шахсан мен кўриб турибман.

Лекин гап фақат шунинг ўзидагина эмас. Литвада [illegible]

— Бу бошқа жумҳуриятлар комсомол ташкилотларига ҳам алоҳида мафтункор ғоя бўлиб қолмадими?

— Эстонияликлар ва грузиялик комсомоллар Литва йўлидан боришмаяпти деб ўйлайман. Менимча, ҳар бир жумҳурият комсомол ташкилоти ўз йўлини танлаши лозим. Эстонияда ва Грузияда ўтиш даври эълон қилинган. Латвия комсомоли принцип жиҳатидан муносабатни ВЛКСМ билан сақлаб қолди.

— Жумҳурият комсомолида ажралиб чиқиш тенденциялари йўқми?

— Бунга ҳожат йўқ. Латвия комсомоли даставвал нимага эришмоқчи эди? Мустақилликка. Биз ҳам ана шунга қараб бораяпмиз. [illegible] ВЛКСМ XXI съездида ҳимоя қиламиз.

Ҳар қандай ташкилот [illegible] Биз ВЛКСМ зарур деб ҳисоблаймиз, лекин тўла мустақил бўлган ҳолда.

— ВЛКСМ XXI съезди [illegible] XX съезддан кейин [illegible]

— Мен XX съезд ўз [illegible] Комсомолда [illegible] Айни ўшанда бошланғич ташкилотлар [illegible]

[illegible]

ҳолда федератив асосда жумҳуриятларнинг мустақил комсомол ташкилотлари иттифоқи сифатидагина яшаб қолиши мумкин. Айтайлик, агар биз съездимиз биринчи босқичда бир қатор масалаларни белгилаб олиб, марказга делегатларни юборамиз, жумҳуриятга қайтиб келиб, жойларда яна бир бор маслаҳатлашамиз. [illegible] Съездга таклиф этиш учун ВЛКСМга киришнинг асосий принципларини гаплашиб оламиз.

— Нега биз ўз съездимизни ўтказмадик? Ахир бир қатор комсомол ташкилотлари — Қозоғистон, Грузия, Болтиқбўйи жумҳуриятлари ўз съездларини ўтказишди-ку.

— Биринчидан, такрор айтаман, бу ҳар бир ташкилотнинг ўз ҳуқуқи деб ҳисоблайман. [illegible] Марказий Қўмитанинг кенгайтирилган пленумида ўзимизнинг позициямизни ишлаб чиқиб, ВЛКСМ XXI съездига жиддий тайёрландик. Қозоғистонда съезд, Белоруссияда, Қирғизистонда жумҳурият комсомол конференциялари ўтказилди. [illegible]

— Ҳозир бошланғич ташкилот комсомолнинг асоси эканлиги тўғрисида Уставга ёзиб қўйилган [illegible]

— Йўқ, аввалгидек бошланғич [illegible]

[illegible]

— Бошланғич ташкилотларга сайланадиган органларга делегат сайлаш ҳуқуқини бериш керак.

[illegible]

— Шу муносабат билан [illegible]

— [illegible] бу ҳозирча мана шу мавзу юзасидан шунчаки фикр юритиш.

— Биз мулоқотимиз бошланганда тор мавзудек туюлган XXI съезддан четга чиқиб кетдик. Тилга олиб ўтилган муаммолар съездда шубҳасиз кўтарилиши мумкин. Коммунистик назария ҳозир кўпчиликнинг диққат-марказида. Кимдир «коммунизм» бу хом хаёл деяпти. Иккинчи биров коммунистик тузумлар тоталитар бўлади деяпти. Кўпгина фирқалар ўз байроғидан ана шу таърифни олиб ташлаяпти. Жумҳурият комсомолларининг делегацияси ўз иттифоқининг номида «коммунистик» сўзи учун онгли тарзда тарафдор бўлиб чиқадими!

— Шундай дейишим мумкин: биз комсомолнинг асосий мақсадини шахс қобилиятини, унинг манфаатларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишда, ёшлар яхлит демократик социализмга асосланган: эркин, адолатли, бирдам жамият барпо этишда фаол қатнашишда деб биламиз.

Иттифоқимизнинг фаолияти умуминсоний қадриятларни қарор топтиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Ёшлар иттифоқимиз ўзининг сиёсий фаолиятида аввалгидек марксизм назариясига асосланади деб ўйлайман. Бизнинг марксизмга муносабатимиз танқидий бўлиши лозим. Марксизм — қотиб қолган нарса эмас, ҳаракат учун дастурдир. Ана шу соҳада Энгельснинг ажойиб сўзлари бор. Уни сўзма сўз келтирмасам ҳам, лекин маъноси шундан иборатки, коммунистик жамият шундай жамиятки, унда ҳар бир киши ўз табиатига кўра камол топиш имкониятига эга, бу жамият умуминсоний қадриятларга асосланган бўлиб, инсонга барқарор, хавфсиз истиқбол кафолатини беради.

— Мабодо ВЛКСМ коммунистик идеалларга йўналтириладиган бўлса у ўзидаги бир қисм кишилардан ажраб қолиш хавфи йўқми! Социал-демократлар, либерал-демократлар ва бошқалар соғлом ва оқилона ғояларни олға сурмоқдалар. Коммунистик ғоялар уларни сохталаштириш туфайли ёшларни ўзидан бездирмайдими! Социал-демократик йўналишга қайтиш афзал эмасми! Ниҳоят, КПСС дастлаб ВКП (б) ва РКП (б)гина бўлмай, балки РСДРП эди.

— Биринчидан, ВЛКСМ иттифоқимиз «коммунистик» ёки бошқа бирор ном билан юритилишидан қатъий назар, бир қисм кишиларни йўқотиши шубҳасиз. Ҳамма ҳам коммунистик ғоя нима эканлигининг туб моҳиятини билмайди. Сталиннинг тоталитар тузуми ҳам, Брежневнинг турғунлик тузумлари ҳам ана шу билан пардаланган. Ҳаттоки Филиппиндаги исёнкорлар, турли-туман террорчилар кўпинча ўзларига қалқон қилиб Ленин номини оладилар... Нима учун ана шундай бўлаяпти? Чунки, бир томондан, Ленин — жаҳонда катта обрў-эътиборга эга, иккинчи томондан эса, унинг ғояларини оз кишиларгина етарли даражада яхши биладилар. Ахир Ленин ҳеч қачон тоталитар тузум тарафдори бўлиб чиқмаган, балки у демократик социализм тўғрисида айтган.

Сўнгги йилларда Лениннинг амалий қадамлари — бу янги иқтисодий сиёсат бўлиб, у халқ хўжалиги ўша тузулмасини қайта ўзгартириб юборган. Биз эса шунга интилмоқдамиз. Шунинг учун асосий вазифа шундан иборатки, умуминсоний қадриятлар базасига асосланиб келган коммунистик ғоя нима эканлигини англаб етишда ёрдам беришдан иборат. Лениннинг инсоният томонидан яратилган барча бойликларни эгаллаб олган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин деган қанотли иборасини эслаб кўринг.

— Комсомол ходимларида билим етади деб ҳисоблайсизми! Ахир ҳозир ёшлар аудиторияси билан ишлаш анча қийин. Улар бирмунча мустақил, анча ақлли бўлиб қолишган. Улар билан баҳслашиш учун билим зарур. Сиз Маркс, Лениннинг биринчи манбалари деб аталадиган асарларига тез-тез мурожаат қилиб турасизми!

— Жуда унчалик тез-тез Ленин асарларига мурожаат қилиб турмайман. Мен масалан, С. Коэннинг Бухарин тўғрисидаги китобини қониқиш билан ўқиб чиқдим. Чунки қиёслашда ҳақиқат юзага чиқади. Ўзим учун янги Ленинни кашф этдим.

Фақат ижтимоий-сиёсий адабиётдагина эмас, балки илмий ва бошқа соҳадаги адабиётларга ҳам мурожаат қилишга тўғри келади. Ҳозир мен кўпроқ миллатлараро муносабатлар, этнография, халқларнинг маданиятларига бағишланган масалалар юзасидан адабиётларни кўпроқ ўқияпман. Комсомол ходимининг ҳозирги иш кўламида Лениннинг барча асарларини ўқиб чиқиш имконияти йўқ, албатта. Биз назарияни эгаллаб олишга уринмоқдамиз; семинарлар ўтказмоқдамиз, комсомол ходимларининг малакасини ошириш институтида таълимни ташкил этмоқдамиз. Ленин асарларини шунчаки қўлга олиш ва ўқиб чиқиш — бу қироатхонлик бўлади. Ленин орқали ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила билиш керак.

— Сиз комсомолнинг истиқболига катта умидворлик билан қарамоқдасиз. Лекин мен рўзномамизда чоп этилган жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасининг ВЛКСМнинг бўлажак съездига ҳаракатномаси бўйича баҳолайдиган бўлсам, комсомол Уставларининг бир неча вариантлари лойиҳаларини муҳокама қилиш жуда суст бораяпти. Амалда уларни ёқлаб ёки қаршилик билдириб ёзилган хатлар йўқ. Комсомол уларга мана шундай ёшларнинг лаёқатсизлик билан муносабатда бўлишига қандай қараб тура олади! Ахир жумҳурият ва бошқа иттифоқ ташкилотлари қисқаряпти.

— Шуни очиқ-ойдин айтишим керакки, сўнгги уч йилда Ўзбекистон ЛКЁИсида аъзолар 300 мингга қисқарди. Уларнинг сафи ўсиб бориши тенденцияси сезилмаяпти. Бу объектив ҳолат. Келгусида ҳам қисқариб боришини кутаяпман. Бизнинг қарашларимизни ёқламайдиган кўпгина йигит-қизлар пайдо бўладилар ва чиқиб кетадилар. Шундай жараён фирқада ҳам содир бўлаяпти. Кўп фирқалик система тасдиқланиши билан ёшларнинг кўпгина қисми яна кетиши мумкин.

Бироқ ВЛКСМ комсомол фаолларининг ташкилотига айланмайди. Ҳозир масалани ана шундай тарзда қўйиш мумкин эмас, чунки съезддан кейин комсомол кадрларининг катта қисми қисқариши юз беради.

Ҳар қандай ташкилотнинг яшай олишининг дастлабки шарти — бу унинг моддий мустақиллигидир. Жумҳурият комсомол ташкилоти ҳозирча ВЛКСМ Марказий Қўмитасидан қарз олади. Мен унинг катта қисми аппаратни сақлашга кетади, деб айтмоқчи эмасман. Йўқ! Лекин қандайдир қисми сарфланиши табиийдир. Шунинг учун биз мустақиллик тўғрисида гапирар эканмиз, бу аввало иқтисодий мустақиллик ҳақидадир, ҳаёт бизни шу масалалар билан шуғулланишга мажбур этаяпти.

Комсомол аъзоларини ҳисобга олиш системаси такомиллаштирилиши шубҳасиз. Мана шу шўъбада ходимларнинг миқдори оз эмас...

Марказий Қўмитанинг ишини кўп жиҳатдан такрорлайдиган, ҳозирги ҳолат кўринишидаги вилоят қўмиталари керакми, деган масала ҳозирча мен учун очиқ масала. Маблағ билан яшаш учун имкониятларни ҳар қандай ҳолда ҳам, излаб топиш зарар.

Агар Марказий Қўмита аппарати борасида гап борадиган бўлса... Ҳозир Марказий Қўмитанинг вазифаларини янгичасига англаб етмоқдамиз. Масалан, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси бизни маълум маънода қаноатлантирмаса, жумҳуриятимиз вилоят комсомол қўмиталари ҳам бизни шунга тенг маънода қабул қилаяптилар. Эҳтимол, биз ҳам қуйи комсомол бўғинларидан вазифаларни: фаолиятни мувофиқлаштириш, олий органларга умумий сиёсий йўлни ишлаб чиқишда, қонун лойиҳаларини тақдим этиш ташаббусига вакилларни юборишдан фойдаланишимизга тўғри келади. Бунда Марказий Қўмита роли мутлақо бошқача бўлади!

Агар жумҳурият Конституциясига фаолияти зид бўлмаган ташкилотлар юзага келса, биз улар билан душманлик нуқтаи назарда бўлмаймиз, ҳамкорликни йўлга қўямиз. Чунки жамиятда ўз ғоявий эътиқодидан қатъий назар ҳал этилиши лозим бўлган кўпдан-кўп муаммолар мавжуд. Ахлоқ, тарбия, тарихий мерос, тилни ривожлантириш, маданият ёдгорликлари. масалаларини олайлик. Уларни ҳамкорликда ҳал этиш керак. Бу барчаси фирқавий ишлар эмас. Биз фирқавий мафкурамизда гуманитар масалаларга аралашганимиз ёмон бўлган.

Мен яна мавзудан чиқиб кетдим. Комсомол аввалгидек ёшлар ўртасида ўзининг етакчилик ўрнини эгаллайди, таркиби жиҳатидан энг кўп миқдорли бўлиб қолади, деб ўйлайман. Бу ўринда гап ҳозирги комсомол ходимларига, улар бошланган ишни охирига етказишларига умид қиламиз.

Жумҳуриятимиз комсомол фаолиятида ёшларни ғоятда ўзига жалб қиладиган йўналиш бор. Бу ёшлар фан-техника ижодкорлиги, ёшлар уй-жой комплексларини ривожлантириш, жумҳурият комсомолининг ижодкор, илмий ёшлар билан алоқасини мустаҳкамлаб бораётганлигини, уларни ижтимоий турмушда содир бўлаётган жараёнларга, ҳодисаларга ўз вақтида йўналтириб бораётганлигидир. Масалан, комсомол Марказий Қўмитаси VII пленумида Паркентдаги воқеалар юзасидан қарор қабул қилди, икки йил муқаддам буни тасаввур қилиш ҳам қийин эди.

— Ишдаги асосий йўналишларни белгилаб олиш учун ёшларнинг қизиқишларини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар ўтказилаяптими! Олий комсомол мактаби ҳузуридаги илмий-тадқиқот маркази маълумотлари жумҳуриятимиз йигит ва қизларининг кайфияти ҳамда қизиқишларини ифодалаб бермаса керак, деб ўйлайман.

— Биз ўтказаётган унча катта бўлмаган тадқиқотлар тўла тасаввур ҳосил қилиш имкониятини бермайди, албатта. Улар жумҳуриятимиз ёшларининг комсомолга ишончи борлигини асосли равишда кўрсатиб берди...

Биз ёшлар намунасида Ўзбекистон комсомолининг аҳволига муайян объектив баҳо бериш учун комсомол Марказий Қўмитаси ҳузуридаги комсомол кадрларининг малакасини ошириш институти базасида социологик лаборатория ташкил этдик. Улар йил ўртасига келиб ишларини кенг қулоч ёйдириб юборадилар, деб ўйлайман.

Ҳозирча биз аниқ ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи қарорлар орқали ёшларнинг муносабатларини аниқлаяпмиз. Бундай қарорлар жонли акс-садо бераётир. Бу ўринда гап ижодкор ёшлар тўғрисида бораётир. Жумладан, комсомолнинг ҳам иштирокида байналмилал ва заҳирадаги аскарларнинг Ассоциацияси тузилди.

Биргина қарорлар билан бутун ёшларни қамраб олиш мумкин эмас. Биз ёшларнинг аниқ гуруҳларига қаратилган куч-ғайратлар сарфлаш орқали катта натижаларга эришдик ва эришаяпмиз. Бунда болаларнинг ўзлари ҳам бажонидил бу ишга кираяптилар.

— А. Бек, Максим Сотников сингари кишиларнинг жамиятда ВЛКСМ роли, унинг аҳволи тўғрисида билдирган фикрлари, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси котиби Зюкин ўз нуқтаи назарини ғоят фаол баён қилганлиги мунозараларнинг қизғин тўлқинига сабаб бўлди... Бир қолипда мушоҳада қилмайдиган, ВЛКСМ ҳаракатининг кутилмаган йўлини таклиф этадиган жумҳуриятимиз ташкилотида йигитлар борми!

— Комсомол Марказий Қўмитасининг сўнгги пленумида Хонқа ноҳия қўмитаси котиби Комилжон Жуманиёзовнинг баъзи муаммоларга бир қолипда бўлмаган мушоҳада юритишининг намунаси эмасми?! У ёркин шахс. У масалани чуқур қўя билади, фақат комсомол муаммоларининг ўзинигина эмас, балки жумҳуриятимизда содир бўлаётган жараёнларни тушуниб етиши билан ҳам ажралиб туради. Марказий Қўмитамиз VII пленумида бошқа делегацияларнинг ҳам нуқтаи назарлари етарли ёркин намоён бўлди. Бизда маълум «Сургут» ташаббуси» позициясини ёқловчилар ҳам ҳам бор.

«Сургутликлар» юзасидан шуни айтишим мумкинки, улар қўйган кўпгина муаммолар бошланғич, жумҳурият ташкилотларининг мустақиллигида ўз ифодасини топаётир. Фақат менинг «сургутликлар» билан соф назарий жиҳатдан қўшилмаслигим шундаки, комсомолни турли хил ёшлар ҳаракатлари иттифоқи сифатида эмас, балки аниқ сиёсий йўлига эга бўлган ижтимоий-сиёсий иттифоқ сифатида кўраман. ВЛКСМ анархист-синдикалистлардан бошлаб то изчил марксистларгача бўлган уюшма кўринишида яшаши мумкин эмас. Бу ташкилотнинг йўқ бўлишига, уни ижтимоий-сиёсий мунозара клубига айланиб қолишига олиб келади.

Кўпчилик бўлмаса қарор қабул қилиш мумкин бўлмаганидек, агар қарор қабул қилинмаса, унда ташкилот қаёққа қараб боради?

«Сургутликлар» мулк масаласини кўтариб, уни ҳаммага тенг тақсимлаб беришни таклиф этишди. Бу ўринда ҳам мен уларга қўшила олмайман. комсомолнинг моддий базаси коммунистик мафкурага эътиқод қиладиган кишиларнинг кўпгина авлодлари томонидан яратилган. Нима учун уни ҳаммага бир йўла тақсимлаб бериш керак?

— Съезд масаласига қайтайлик. Унинг кун тартибига комсомол Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бевосита съездда ва муқобиллик асосида амалга оширилиши ёзиб қўйилган. Ҳозир ВЛКСМ Марказий Қўмитасига В. Мироненко бошчилик қилаяпти. Агар унинг номзоди қўйиладиган бўлса, сизда унга муқобил бўлиш юзасидан таклифингиз борми!

— Менимча, ВЛКСМнинг ҳозирги аҳволи янги раҳбарлар бўлишини тақозо этади.

— Биринчи котибни эмас, балки «Бирлик» ҳозир тажриба қилиб кўраётганидек, миллатлараро гуруҳ ҳамраисларини сайлаш оқилона бўлармиди!

— Бизда раҳбарлик органини юритишда бюро шундай вазифани ўташи керак, унда барча иттифоқдош ташкилотларнинг вакиллари бўлади. Ҳамраисларни қандай асосда сайлаш керак? Биз раис ёки биринчи котиб бўладими, у мавжуд масалаларни изчил, методик ҳал этиб бориши тарафдоримиз.

— Сиз ВЛКСМга янги раҳбарлар зарур дедингиз. Ким бўлиши мумкин! Горбачевдан норози бўлган одамлар бор-у, лекин унга муқобил бўладиганини кўриша олишмаяпти. Сизда ВЛКСМ МҚ биринчи котиби юзасидан номзодликка таклифингиз борми!

— Съезд етарли даражада янги номзодларни кўрсатади, деб ўйлайман. Мен назарда тутган номзодларни улар тузиб чиқишаяпти, лекин ҳозирча айтиш...

— ...сизнинг сирингиз. Майли, яхши.

Лекин айтинг-чи, жумҳурият Олий Совети ёшлар ишлари бўйича Комиссия ва Ўзбекистон комсомолининг ҳамжиҳатлиги қандай тарзда қуриладиі

— Биринчидан, аввало бу ҳақда комиссиядан сўраш керак. Ўз-ўзидан аёнки, нимаки бизга боғлиқ бўлса, барчаси юзасидан ўзимизнинг таклифларимизни киритиш, умумий ишимизни яхшилаш юзасидан ҳамкорлик қиламиз. Бизда эса маълум тўпланган тажриба бор. Бизнинг қўядиган қадамимиз — бу Ўзбекистон ССРда ёшлар сиёсати ҳаракатномаси лойиҳасини ишлаб чиқишдир. Комиссия ҳамкорлик қилишга қанчалик тайёр эканлигини, у нималарни, биз нималарни таклиф этишимизни келажак кўрсатади, деб ўйлайман.

Менимча, ёшлар ишлари бўйича Комиссия тузишнинг ўзи билан чекланиб қолмаслик керак. Ёшлар ишлари билан шуғулланувчи давлат қўмитаси ҳам мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга. Агар давлат бўлажак миллатлар, жамият келажаги ёшлар тарафида эканлигини тушунишга тайёр бўлса, Комиссия фақат дастлабки қадам. У ёшларнинг муаммолари фаолиятига шубҳасиз кирадиган: Ижтимоий таъминот вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва бошқа идораларнинг куч-ғайратларини бирлаштириши зарур. Ҳатто Қурилиш вазирлигини ҳам. Ахир бизда уй-жой муаммоси ўткир бўлиб турибди! Жумҳурият ҳукумати ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ер ажратиш чинакам инқилобий қадам бўлиб, бу муаммони ҳал этишга катта ёрдам беради. Ёш оилалар ўзининг уйига эга бўлиши — бу оилада янги муҳит, янгича муносабатлар, истиқомат қилиш учун янги гигиентик шарт-шароитлар демак.

— Сиз ҳозир мавжуд бўлганларидан ташқари келажакда қандай янги ёшлар тузулмалари шаклланади, деб ўйлайсиз!

— Мен экологик ташкилот, «яшиллар» ҳаракатини табриклаган бўлардим. «Катталар» қандай фирқалари ташкил этилишига барчаси боғлиқ бўлади. Улар ёшлар муҳитига таъсир кўрсатадилар. Айтгандек, жумҳурият Компартияси, унинг раҳбариятининг обрўси ғоят юқори, аҳоли танлаб олиши мумкин бўлган Компартиядан ортиғи йўқ, деб ўйлайман. Иккинчи томондан эса, менимча, ёшларнинг муайян катта қисми ҳеч қандай ташкилотларга умуман қўшилмайди.

— Мусоҳабамиз умуман поёнига етди. Сўраш урф бўлиб қолганидек, сиздан нималарни сўрамадим!

— Оммавий ахборот воситалари тўғрисида.

— Бу ҳақда фикрингиз қандай!

— Конституцион тузумни ағдариб ташлашга даъват этмайдиган, ирқий ёки миллатлараро низони тарғиб этмайдиган ҳар қандай ғоя яшашга ҳақлидир. Лекин шуни ҳам англаб етиш лозимки, ҳорижда бўлишим катта тажрибаси яна бир карра фикримни тасдиқлади, ҳар қандай рўзнома ноширнинг ҳамиша иродасини ифодалайди. Журналист ўзининг нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқига эга, лекин агар у ишлаётган органдаги ўша ташкилотнинг мафкураси билан мос тушмаса, унда ўзининг дунёқараши сифатида у ерда ишлашга ҳақи йўқ, кетиши керак.

Энди комсомол матбуоти ва комсомол Марказий Қўмитасининг ҳамжиҳатлиги тўғрисида. Мен комсомол Марказий Қўмитаси Бюроси ўзининг босма органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган асосий, принципиал масалаларни ҳал этмаслиги тарафдориман. Рўзнома комсомол Марказий Қўмитасининг эскича, аппарат тушунчасидаги, яъни аппарат органи эмас, балки Марказий Қўмитанинг сайлаб қўйиладиган органининг эгаси сифатида органи бўлиши тарафдориман.

Рўзнома комсомол Марказий Қўмитаси пленуми олдида ҳисобот бериши зарур. Муҳаррирни пленумда тасдиқлаш нотўғри. Муҳаррир пленумда сайланиши лозим. Бундан ташқари рўзнома ёки жарида ва комсомол Марказий Қўмитаси ўртасидаги муносабатни белгилаб берадиган қандайдир ҳужжат бўлиши, унда томонларнинг мажбуриятлари, ношир ва редакцияларнинг вазифалари чегаралари ёзиб қўйилган бўлиши керак.

— Матбуот тўғрисидаги Қонун қачондир қабул қилинади. Унда мана шулар ёзиб қўйилади, деб ўйлайман...

— Матбуот тўғрисида қабул қилинадиган Қонун, менимча, ноширлар ва редакцияларнинг ўз муносабатларини келишиб олишларига имконият беради.

Эҳтимол, масалани мана бундай қўйиш ҳуқуқига эга бўлинар: рўзнома бутун комсомол ташкилотининг органи. Биз келажакда, афтидан, мана шунга қараб борамиз. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам комсомол ғоявий ҳамфикрларнинг ташкилоти бўлиб қолаверади. Бундан ишнинг моҳияти оз ўзгаради.

— Тушунарли. Бу мулоқотимиз фақат ёшлар нашрлари журналистлари, комсомол ходимларининггина эмас, балки барча муштарийларимиз учун ҳам нафи тегади деб ўйлайман. Мусоҳаба учун ташаккур. Делегациямизга съезд ишида муваффақият тилаб қоламиз. Қарорлар қабул қилинишини кутамиз!

— Ташаккур!

Мусоҳабани Лариса ИЛЬИНА олиб борди.

Бизнинг номзодлар

Василий ҳақида мақола ёзаман деганимга анча бўлди. Очиғи, унинг ўзи бунга рўйхуш бермаган эди. Нега дейсизми? «Ҳали қандай ишни қойиллатиб қўйдим-у, мақтанаман?» дерди у ҳар гал. У билан кўп «дард»лашганмиз. Доимо куйиниб юради. Жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасида ҳарбий-ватанпарварлик шўъбаси мудири бўлиб ишлаб юрган кезларида ҳам у тиниб-тинчимасди. Кейин эса ишлари янада «бошидан ошиб кетди»...


Ўтган йили уни Ўзбекистон ССР байналмилал ва заҳирадаги жангчилар Уюшмаси раислигига сайлашди. Жуда катта масъулиятни бўйнига олди. Чунки Афғонистон ўзини, қолаверса, 80-йилларда вояга етган йигитларнинг «кўзини очди».

Василийнинг ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаши ҳам бир китобга сиғгулик. 1984 йил. Хизмат муддатининг тугашига озгина вақт қолган. Уни олис Украинада орзиқиб кутишаётган эди. У эса...

Бир куни уларнинг қисмига Ўзбекистонда ташкил этилган фронтчи ашула ва рақс ансамбли ташриф буюрди. Санъат миллат танламайди. «Хоразм лазгиси», «Андижон полькаси»га берилиб ўйинга тушаётган Ўрта осиёликларга бошқа миллат вакиллари ҳам беихтиёр қўшилиб кетишганини сезмай қолишди. Айниқса Василийни айтмайсизми. Унинг ўзи санъатни жону-дилидан севгани учунми, Шарқнинг сеҳрли оҳанглари уни ўзига боғлаб ташлади-қўйди.

Бир кун олдин оғир жангдан қайтишган эди. Ҳатто душман мўлжалига тушиб қолганини Василий сезмай ҳам қолди. Яраланди ҳам. Кечқурунги ўйин-кулги унинг кўнглини ёзиб юборди. Бутун вужудига азоб бераётган оғриқ сезилмай қолди. Лекин уни шу кеча бошқа — чидаб бўлмас «оғриқ» қийнарди. Тонггача ухлолмади. «Дарди оғир эди»...

«Мен ҳам ўзбекистонликман!»



— Балки «афғон балоси» чиқмаганида бугунгидек мамлакатимизда беҳисоб «байналмилалчилар» уюшмалари, гуруҳлари тузиб қийналиб юрмаган бўлармидик, — дейди Василий.

Рост, бизларни Афғонистонга ҳеч ким мажбурлаб киритмаган. Аксинча, «ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога» деганларидек, ўзимиз сиғиниб келган «бобо»ларимиз бизларни, бутун бир катта авлодни, келажакни тубсиз жарликка улоқтириб юборганини кеч англаб етдик.

Василийдан афғон ҳақида сўролмайман. «Қўйинг, шундоқ ҳам ҳар куни собиқ қуролдошларимнинг дардини тинглайвериб, юрагим эзилиб кетади» дейди у қўл силтаб.

Унинг комсомол Марказий Қўмитасидаги мўъжазгина хонасидан «афғон»ларнинг сира қадами узилмайди. Бежиз айтишмайди-да, «ўзингда озгина дард бўлса, бировнинг дардини тушунасан» деб. Бирови неча йилдан бери ишсиз юрганидан, яна бирови уйсиз, жойсиз азобланаётганидан, бошқа бири эса ношуд врачларнинг хатоси энди ўз таъсирини кўрсатаётганидан қийналиб, мадад истаб, бу эшикка келади. Уларнинг дардини тинглаш осон. Аммо ёрдам бериш учун ҳали қўли калталик қилади унинг.

Яқиндагина афғон тупроғида ўзининг «байналмилал» бурчини ўтаб қайтганлар сони Ўзбекистонда 42 мингдан ошиши мумкинлигини эшитгандим. Йўқ, бу рақамлар яна ўзгариб бораяпти. Василийнинг айтишича, 50 мингга етар экан. Ана шунинг бир ярим мингга яқини ўзга элда шаҳид кетганлар. Бир минг учтаси эса бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолганлар... Ҳалигача тушунмайман, кимни алдаяпмиз ўзи? Халқними? Наҳотки, сизу-биз ишониб юрган армиямизда ҳам «қўшиб ёзиш»лар давом этаётган бўлса?!

Ҳамманинг тилаги битта: 80-йилларнинг хатоси илоё энди такрорланмасин! Қурбон бўлган элдошларимиз олдида қарзимиз нечоғли кўп эканлигини ҳам унутмайлик. Василий ҳам ана шундай хайрли, савоб ишларга қўл урганлардан биттаси...

Тунов кун қувончли хушхабар эшитдик. В. Мельничукни Тошкент шаҳридаги 43-Жуковский сайлов мавзесида яшовчилар Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишибди. Қандай яхши. Одамлар эл дарди, ташвишида елиб-югуриб юрган ўз фарзандларини доимо шундай эъзозлайди-да. Айниқса, пойтахт ёшлари ўзларига муносиб номзод танлашганидан суюндик.

Аввалига бу ҳақда ҳеч кимга сир бермади. Кейин тўғри ансамбль қўнимгоҳига йўл олди. Қоп-қора чиройли кўзлари бирам ярашган тошкентлик қиз билан ониқчасига гаплашди. Бу сариқсоч, мовий кўз йигитнинг гаплари Лолага ҳам аввал эриш туюлди. «Ҳазиллашаётгандир» деб ўйлади, йўқ, рост экан. Василий сўзидан қайтмади. Шундай қилиб, афғон бу йигитга шунча азоб-уқубатлар эвазига туғанмас БАХТ ҳам ато этди...

1984 йилнинг сентябрида улар Тошкентга келишди. Бу орада Василий Украинага — она юрти Черновицы вилоятининг Романковци қишлоғига ҳам бориб келди. Ҳамма воқеани уйидагиларга обдон тушунтирди. Улар охири розилик билдириб, оқ фотиҳа беришди.

Мана, салкам олти йилдан бери Василий Тошкентда яшаяпти. Искандар исмли ўғиллари бор. Хотини Лолахон «Средазкабель» бирлашмасининг «Ёшлик» ансамблида ишлайди. Ўзи эса Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик факультети кечки бўлимида таҳсил кўраяпти.

Ҳа, Василийни тақдир Ўзбекистон билан боғлади. «Мен ўзимни ўзбекистонлик деб ҳисоблайман» дейди у доим.

Василий раҳбарлик қилаётган уюшма ҳақида кўп ёзилди. Ҳали муаммолар, тўсиқлар кўп. Унинг сайловолди ҳаракат дастуридан биринчи навбатда ёшлар муаммолари ўрин олган. Айниқса собиқ «афғон»лар ҳақида ғамхўрлик қилиш уюшма аъзоларининг энг муҳим вазифаси.

15 апрель куни жумҳуриятимизнинг айрим ҳудудларида яна қайта сайловлар бўлиб ўтади. Шу куни кураш янада қизғин ўтиши тайин. Чунки энди одамлар кимга овоз беришаётганликларини, депутатликка номзодлар шу пайтгача (бу ҳалиям давом этаётгани сир эмас!) тоғ-тоғ ваъдалар бериб, амалда бажармаганликларининг «сир»ларидан энди-энди воқиф бўлишяпти. Халқни алдаб келганларнинг «қарта»си энди ўйнамай қолаяпти. Василий Мельничук эса ундайлар хилидан эмас. «Халқ ишонч билдирибдими, шунинг ўзи мен учун бахт. Шу ишонч менга мадад, қувват бўлади» дейди у...

Норқобил ЖАЛИЛ.

БИРЛАШМАДА ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ

Бухоро ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида одатдан ташқари бир бўлинма ташкил этилди. Бу ерда корхонанинг ўз қурилиш тресті иш бошлади.

Ҳа, бошқа турдош корхоналарда бўлганидек, қурилиш бригадаси ёки участкаси эмас балки трест тузилди. Бирлашмада амалга оширилиши лозим бўлган қурилиш-монтаж ишларининг ниҳоятда катта ҳажми ушбу трестни ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур этди.

Трестнинг программа бўйича бир йилда бажарадиган ишлари ўнлаб миллион сўм билан белгиланади. Тўғри, бу йил икки баравар кам маблағ ўзлаштирилади. Хўш, қурувчилар нима билан шуғулланишади?

— Бир неча ишлаб чиқариш корпусини тубдан таъмирлаш керак бўлади, — дейди бирлашма бош директори А. Фозилов. — Масалан, биринчи йигирув-тўқув фабрикасида 10 гектар ҳажмдаги томни алмаштириш керак, устунларни, бостирмаларни мустаҳкамлаш керак бўлади, чунки зилзиладан кейин бу ерда жорий ремонт қилинган эди, холос. Қурилиш тресті бригадалари 60 гектар ерда икки қаватли турар-жойлар қуришади. Шунча ерни Бухоро шаҳар ижроия комитети уй-жой қуриш учун ажратиб берди. Улар бу йил, шунингдек табобат марказини бунёд этишга киришадилар.

Малакали мутахассисларни тўплаш гарчи мураккаб вазифа бўлса ҳам уни бажариш мумкин. Лекин жуда ҳам камёб моллар қаторига кирадиган бинокорлик материалларини қаердан олса бўлади?

Ушбу корхона унумдорлиги жиҳатидан фақат бош корхонанигина эмас, айни вақтда унинг Бухоро вилояти ноҳияларида жойлашган тўртта бўлимининг ҳам эҳтиёжини қондира олади.

(ЎзТАГ мухбири).

У ўша куниёқ ўзини унутган ҳолда жонажон юртига, ўз жигаргўшаларига мажолсиз ҳолда бўлса-да, унинг илиқ ҳавосидан нафас олгандай бир хат ёзади:

«Азизларим!»

Бизлар бугун сургундан бўшадик. Уй ва молларни ўз баҳосига сота билсак, октябрь оёқларина кетамиз. Сота билмасак, бу ерда қишлаймиз.

Раҳмат албатта, паспорт олиши билан кетади. У сизларнинг ёнингизда бўлса, бирмунча жоним тинч бўлажак. Соғ бўлинг. Соғликда кўришайлик. Хат ёзинглар, ҳаммангизга салом билан:

Марьям. 1. IX. 54.

ЎзССР Хоразм вилояти, Чандир Қиёт қишлоқ шўроси, Султоновага
Катта улут қишлоғи,
Киров кўчаси, 38 уй
Султоновдан»

Хўш, Марям Султонова ким? Нега у сургунда юрган экан? Нима гуноҳ ва жиноятлари учун қамалган экан? Раҳмат ким? Нега у ҳам сургунда бўлган. Қуйида биз шу хат сири ва унинг эгаси ҳақида ҳикоя қиламиз.

Марям Жуманиёз қизи (Султонова) 1905 йил 13 февралда Хоразмдаги «Ёш хиваликлар» ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бири, маърифатпарвар Мулла Жуманиёз оиласида дунёга келади. Унинг отаси Мулла Жуманиёз Хива хонлиги тузумига қарши курашда актив иштирок этиб, инқилобдан сўнг Хива Халқ Жумҳуриятининг фаол раҳбарларидан бири бўлиб ишлайди ва шу туфайли кейинчалик босмачилар томонидан ваҳшийларча ўлдирилади.

Марямхон дастлаб Хивада ўзбек, татар зиёлилари томонидан очилган янги усул мактабда, инқилобдан сўнг Урганчдаги Совет мактабида ўқий бошлайди. Шу йиллари комсомол сафига ҳам киради. Тошкентга келиб, аввал ишчилар факультетида, сўнг Оренбургдаги Шарқ институтида таълим олади. Хоразм Халқ Шўро Жумҳурияти Марказий Қўмитаси қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш бўлимида хизмат қилади, уларни янги ҳаёт ва маърифат нурларидан баҳраманд қилишга интилади. Бу ҳақда Марям Султонованинг ўзи кейинчалик шундай ҳикоя қилади: «Отам хонга қарши кураш ҳаракатининг энг фаол иштирокчиларидан бўлган. Менинг болалигим ҳам феодал Хоразмдаги ана шундай ижтимоий курашлар тўлқинида ўтди. Бу кураш, айниқса, бизнинг оилавий ҳаётимизга оғир таъсир қилган. Биз доимо қувғин-таъқиблар остида яшаганмиз. Ҳатто онам бир неча бор қамоқ азобларига ҳам учраган. Хива хонининг буйруғи билан отамнинг хонга қарши кураш ҳаракатида иштироки туфайли унинг 4 акаукаси қатл қилинган. Буларнинг ҳаммаси менинг ёш қалбимда асорат қолдирмасдан иложи йўқ эди.

Совет ҳокимияти бизларни ана шундай хонлик ҳукмронлиги таъқибларидан қутқарди. Мен инқилобнинг дастлабки кунларидан аввал комсомол, сўнг фирқа сафига кирдим.

1921 — 1922 йилларда аввал Хоразм фирқа Марказий Қўмитаси қошидаги маданий маориф тарғиботи, сўнг хотин-қизлар билан ишлаш бўлимларида ишладим. Отам Хоразм Совет Социалистик Жумҳуриятининг турли масъул соҳаларида фирқа ташкилотининг котиби бўлиб ишлаган. 1926 йил босмачилар томонидан ўлдирилган».

Марям 1922 йил кузида ўқиш орзуси билан яна Тошкентга қайтади. Бу сафар Туркистон жумҳурияти раҳбарлари уни бир гуруҳ маҳаллий ёшлар билан «Энди бизнинг олдимизда Оврўпа фан-техникасини қувиб етиш ва ўзиб кетиш вазифаси туради», — деган тарғибот билан Германияга ўқишга юборадилар. Марямхон Германиянинг Дармштат шаҳрида дунёнинг турли мамлакатларидан келган ёшлар билан ўлкамизнинг маърифати, маданиятини ривожлантириш орзуси йўлида хизмат қилиш каби катта ниятлар билан илм олади. 1928 йилларда ўқишни муваффақиятли тугатиб Ўзбекистонга қайтади. Бу ерда у дастлаб Тошкентдаги Эски шаҳар кечки Коммунистик дорилфунунининг ўқув бўлими мудири, сўнг 1935 йилдан Ўзбекистон Компартиясининг ижтимоий-сиёсий, адабий журнали бўлган «Гулистон»да Собира Холдорова, Тожихон Шодиева, Саодат Шамсиева каби ўша даврнинг таниқли ўзбек хотин-қиз журналистлари

1

билан бирга ишлай бошлайди. Ўзбек матбуоти саҳифаларида хотин-қизлар ўтмиши ва ҳозирги турмушидан қатор ҳикоя ва очерклар эълон қилади. Рус ва немис классик адабиётидан таржималар, улар ҳақида мақолалар ёзади (Масалан: М. Султонова «Ўлмас бир сиймо» (И. В. Гёте ҳақида) «Гулистон» журнали, 1935 йил, 8-сон) «Пушкин буюк шоир» («Ёрқин турмуш», 1936 йил н. 21), «Қандай кийиниш керак?» (ўша журнал, 1937 й № 1).

Лекин Марямхоннинг қувонч ва орзулари узоққа бормади. Ўзи каби озод — эркин ўзбек хотин-қизлари авлодининг биринчи қалдирғочлари бўлган адиба, шоира дугоналари қатори у ҳам айни парвоз этаётган бир пайтда шахсга сиғиниш даврининг қонли исканжасига тушиб қанотлари қайрилди, 1937 йил кузида тўсатдан «немис жосуси», «фашизм тарафдори» сифатида айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. 1947 йил қамоқ жазоси тугаб, Хоразмга қайтганда ҳам узоқ ўтмади. 1949 йилда яна қамалади. Бу сафар энди уни Берлинда бўлган вақтда у ердаги қандайдир аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти бўлган «Озод Туркистон» ташкилоти билан шубҳали алоқалари, Тошкентда ишлаганда матбуотда миллатчилик фикрларини ўтказганлиги, бу ерда профессор Энгланд билан қандайдир жосуслик алоқаси, Парижга борганда Мустафо Чўқаев билан учрашганлиги ва ҳоказо айблар юзасидан сўроқ қила бошлайдилар. Марям Султонова кейинчалик СССР Бош прокуратурасига ёзган аризасида унга қўйилган бу айбларнинг мутлақо туҳматлиги, у Берлинга борган вақтда узоқ турмай Дармштатга кетганлиги ва Берлиндаги «Озод Туркистон» деган ташкилотнинг ўзини ҳам, номини ҳам билмаслигини айтади ва шу туфайли қайта-қайта бегуноҳ камалганлиги ҳақида ёзади: «1937 йил ЎзССР НКВД органлари томонидан қамоққа олиниб, СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси томонидан $57^{1а}$ ва $3,11^{14}$ моддалари орқали 5 йил ҳуқуқдан маҳрум қилинганлик шарти билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиндим.

1947 йил жазо муддатим тугаб уйга қайтдим ва 1949 йил яна шу иш билан қамоққа олиндим ва махсус мажлис қарори билан Красноярск ўлкасига сургун қилиндим. Ваҳоланки, мен ҳеч қачон Совет ҳукуматига қарши бормаган ва виждонан инқилобга қарши ҳеч қандай иш кўрмаганман. Ўзимни фақат вужудга келган шароит қурбони ҳисоблаб, ишимни қайта кўришингизни сўрайман.

Менга қўйилган айбларнинг қуйидаги асосларга кўра, асоссиз деб ҳисоблайман:

1. Мени айблашларича, гўё мен Берлинда бўлган вақтимда аксилинқилобий жосуслик ташкилоти «Озод Туркистон» аъзоси бўлиб, шу ташкилотнинг топшириғи билан Германия фойдасига жосуслик ишлари олиб борган эмишман.

Мен ҳеч қачон бирорта аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлган эмасман. «Озод Туркистон» деган ташкилотнинг борлигини мен биринчи бор тергов вақтидагина эшитдим.

Менинг билишимча, 1922 йил Бухоро Халқ Жумҳурияти ва Туркистон Совет Жумҳуриятидан 60 га яқин киши Германияга ўқишга юборилган эди. Ўша йили кузида Хоразм фирқа Марказий Қўмитаси бюросининг қарори билан мен ҳам шу ерга тушдим. Менга, энди бизнинг олдимизда Оврўпа фан-техникасини қувиб етиш ва ўзиб кетиш вазифаси турганлигини айтишганларидан кейин мен у ерда ўқишга розилик берган эдим.

1922 йилдан то 1924 йил бошларигача Берлинда бўлдим, кейин Дармштатга ўқишга кетдим. Шунинг учун мен ўзимизнинг талабаларимиз билан кам муносабатда бўлдим ва кўплари билан шахсан таниш ҳам эмас эдим. Мен ўша вақтларда мазкур талабаларни «Туркистон талабалари жамияти» номли ҳамюртлар жамияти бирлаштириб туришини билардим.

Бу юртдошлик мазмунидаги очиқ ташкилот бўлиб, унинг фаолияти давлатимизнинг воситачилиги билан боғланган эди. Кейинчалик бу уюшмани Германиядаги бутун Советлар Иттифоқи талабалари уюшмаси билан бирлаштирдилар. Бундан бошқа яна қандай талабалар уюшмаси бўлганлиги менга сира маълум эмас.

Шунингдек, менга у ердаги қатор талабаларнинг тасодифан бизга ёт элементлар таъсирига тушиб қолганлиги сабабли, талабалик сафидан чиқарилганлиги ва уларнинг СССРга қайтмай, ўша ерда қолиб кетганликлари ҳам маълумдир.

2. Мени, Тошкентга келган вақтларимда аллақандай Энгланд номли профессор орқали жосуслик ишлари олиб борганликда айблашдилар. Бу туҳмат! Мен ҳеч қачон бундай одам билан таниш бўлмаганман. Шундай одамнинг борлигини биринчи бор терговчидан эшитдим...

Мен душманга қандай маълумот бердим ва у қандай амалга оширилди. Бундай айб тасдиғи учун бирорта ашёвий далил ва гувоҳлар кўрсатишмади... Менга нисбатан сохта гувоҳлик берган одам билан юзлаштиришларини сўраганимда эса, рад этишди. Шунинг ўзи менга қўйилган айбнинг ёлғон ва сохталигини кўрсатиб турипти.

3. Мени, гўё «Гулистон» ва «Ёрқин турмуш» журналларида ишлаб туриб, аксилинқилобий миллатчилик

2

3. УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР...





Марям СУЛТОНОВА

йўлини ўтказганликда айблашдилар. Бу фаолиятим нималарда кўринганлигини менга айтишмади...

Адабий ходим ва журналист сифатида, баъзан журналларда айрим мақола, очеркларим, кўпроқ рус классик адабиётидан таржималарим босиларди. Улар ғоявий жиҳатдан соғлом ва совет маданияти ривожи учун фойдали эди. Бу айбловлар учун ҳам бирорта далил келтира олмадилар».

Марям Султонова ўша аризасида яна тергов органларининг унга қўйган бошқа айбларининг ҳам асоссизлигини кўрсатади. Жумладан, унга қўйилган яна бир айб, Парижда бўлган вақтда Мустафо Чўқаев билан учрашганлигининг ҳам айб эканлигига эътироз билдириб ёзади:

4. «Менга қўйилган айбларда Парижда бўлган вақтимда Мустафо Чўқаев[1]/ билан учрашганлигим гапирилади. Бу тўғри. Лекин учрашув тасофидий ва дақиқалик кечган. Биз ўша куни Мужи Жаҳонова билан операга боришга тўпланиб, меҳмонхона ошхонасининг ходимасига бизга кечки овқат қолдиришни илтимос қилишга кирган эдик. Худди шу вақтда Парижда ўқиб турган Аҳмад Нойим ошхонада бўлиб, у бизни Чўқаев билан таништирди. Биз операга шошиб турганлигимиз учун улар бизни кутиб турмай, чиқиб кетдилар. Ўша вақтда биз у кишининг ким эканлигини ҳам билмас эдик. Шунинг учун бу учрашув ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган. Чунки, мен Германияга ўқишга кетган вақтимда эндигина 17 ёшга кирган, ҳали шаклланмаган эдим ва Ўрта Осиёда аксилинқилобий фаолият ҳақида ҳам ҳеч нарса билмас эдим... Наҳотки мен саёҳат вақтимдаги ҳар бир тасодифий учрашган одам учун жавоб беришим керак бўлса?».

У тергов вақтида уюшган жиноятчиликда айбланишларига қарши ҳам далиллар кўрсатишни талаб қилади, уларни очиқ, қонун асосида, фактлар, далиллар билан айблашни, саволларига аниқ жавоблар олишни талаб қилишига қарши терговчиларнинг ноҳақ ҳаракатлари, ғайриқонуний тақиқлашларини, ёш болалик аёлларга ҳам зўравонлик йўли билан сохта жавоб олиб, қўл қўйдиришларини очиб ташлайди:

5. «Мени уюшган жиноятчиликда айблашди. Лекин мени улардан алоҳида ажратиб, гувоҳларсиз суд қилишди. Агар менга қўйилган айб ҳақиқат бўлса, очиқ намунали суд қилишлари керак эди, — деб ўйлайман. Бундан ташқари, тергов вақтида ҳам, судланув вақтимда ҳам буни қатъий туриб талаб қилган вақтимда менга: «буни сизга фойдаси йўқ, чунки, масала олдиндан тайёрланган бўлиб, саволларни фақат НКВД ходимлари беришади, сиз бўлмаган эди дейсиз, гувоҳлар «бўлган эди» — дейишади, аниқлик ва тушунтириб ўтиришга эса рухсат этилмайди». Менинг нега ҳеч қандай далилсиз, фақат туҳмат ва ёлғонларга асосланиб, соф совет аёлини бадном қилмоқчи бўласизлар?» — деган саволимга терговчи очиқ қилиб, мен инқилоб солдатиман, мендан нимани талаб қилсалар, шуни бажараман, — деди. Агар сиз яна ўжарлик қилаверсангиз, гўдагингизни тортиб олиб, сиз билан бошқача «гаплашамиз» деганидан кейин, менинг бирор жиноят қилганлигим ёки қилмаганлигимнинг ҳам ҳеч кимга қизиғи йўқлиги, ҳаммаси-ҳаммаси менга аён бўлди ва сўнг улар мендан нимани хоҳлаган бўлсалар ҳаммасига қўл қўйдим».

Марям Султонова мана шундай ноҳақ туҳматлар, адолатсиз айб ва ҳукмлар остида 20 йиллаб бегуноҳ қора тамға остида юрганлиги, бу ноҳақликларнинг фақат унинг ўзигагина эмас, бутун авлодлари, оила аъзолари, болаларига, қолаверса Октябрь инқилоби қулликдан озод қилган мазлум ўзбек хотин-қизлари эркини бўғиб, яна ўтмиш қуллик давридан ҳам даҳшатли ҳолга қўяётганлигини афсус ва надомат билан ёзади. СССР Бош прокурорига ёзган ўша хатида социалистик қонунчиликнинг бундай бузилиши натижасида унинг бўйнига осилган қора тамғани ҳаётининг сўнгги дамларида унинг бўйнидан олиб ташлаб, ҳеч бўлмаса бу дашномнинг қора доғлари унинг фарзандлари бўйнида ҳам осилиб қолмаслигини ўтиниб сўрайди: «Мен ҳеч қачон оппозицияда бўлмаганман ва ҳеч қандай миллатчилик йўлида қатнашмаганман. Мен коммунизм ғалабасига ишонганман ва шундай одам бўлиб қоламан.

1/ Мустафо Чўқаев — инқилобгача Россия муваққат ҳукуматининг бошлиғи Керенский билан Петербург дорилфунунининг ҳуқуқ факультетини бирга тамомлаган. Октябрь инқилобидан сўнг Қўқон мухториятининг бошлиғи, у ағдарилгач, чет элга қочган. Аввал Франция, сўнг Германияда бўлиб, Улуғ Ватан уруши йиллари Гестапода Советларга қарши ишларда хизмат қилган (қаранг: Серик Шакибоев, «Падение «Большого Туркистана» Алма-ата, 1972, 30—33, 40 ва бошқа бетлар).

3

Чунки, мен ёшликданоқ эски ижтимоий тузумга қарши турган ва курашган бир муҳитда ўсдим... Совет ҳукумати менга ўхшаш шарқ аёлларини қулликдан қутқарди. Совет ҳукумати менга илм берди, у мени одам қилди ва Совет ҳукуматига қарши бориш менга нима учун керак?

Муҳтарам ўртоқ Иттифоқ прокурори! Сизга инқилобий қонунларни тўғри ўтказишнинг масъул назоратчиси сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам мурожаат қиламан. Менга нисбатан катта адолатсизлик бўлган ва совет қонунлари бузилган деб ўйлайман... Менинг виждоним пок. Менинг ягона хатойим, у ҳам бўлса Германияга ўқишга кетишга розилик билдирганим... Агар шу машъум хатом бўлмаганда, тақдирим ҳам тамоман бошқача бўларди ва мен бугунгидай бахтсиз одам бўлиб ўтирмасдим. Мен адолатсиз кечирган ишлардан ниҳоятда азобланмоқдаман. Бу қалбаки туҳматлардан қарийб 20 йиллар давомида фақат менгина эмас, менинг болаларим, акасингилларим ва онам ҳам азоб тортдилар ва ҳамон азоб тортиб келмоқдалар. Шунинг учун сиздан менинг ишимни қайта кўришингизни ва гуноҳсиз — гуноҳларимдан қутқаришингизни сўрайман».

Сталин вафотидан кейин Марям Султонова томонидан СССР Бош прокурори номига ёзилган бу аризадан сўнг, 1957 йил 23 сентябрида унинг қўлига бегуноҳлиги, унинг жинояти бўлмаганлиги ҳақидаги расмий оқлов қоғози келади. Унда шундай дейилган эди:

«1957 йил 2 августда СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси томонидан 1937 йил 15 сентябрга қадар «Ёрқин турмуш» журналининг адабий ходими бўлиб ишлаган Султонмуродова Марьямнинг айблов иши қайта кўриб чиқилди.

М. Султонмуродовага нисбатан 1938 йил 9 октябрдаги ҳарбий коллегия ҳукми ва 1949 йил 3 августдаги СССР МБси қошидаги махсус мажлис қарори янгидан очилган шароит туфайли бекор қилинди ва жинояти йўқлиги учун иш тўхтатилди.

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегия раисининг ўринбосари адлия полковниги П. Лихачёв.

1957 йил 23 сентябрь
№ 411—03920157
Москва шаҳри, Воровский кўчаси, 13 уй».

Адолат қисман бўлса-да, тикланди. Марям Султонова умрининг охирларида бир парча қоғозни ҳам олди. Она шаҳри Урганчда яшаб, ишлай бошлади. Лекин бунгача 10—15 йиллаб оғир шароитда қамоқхоналарда, узоқ Красноярск ўлкасининг совуқ ўрмонларида ўзига ўхшаган минглаб бегуноҳ маҳбуслар билан кечирган азоб уқубати, таҳқирли кунлари-чи?! Унинг ортида йиғлаб қолган ўғли Пўлатбек, қизи Анорхонларнинг аҳволи не кечди? Эри босмачилар томонидан ёвузларча ўлдирилиб, қариган чоғида мункайиб қолган унинг муштипар, мунгли онаизори-чи?! Улар не хавфу-хатарлар, азоб ва уқубатлар, камситишларни бошдан кечирмоқдалар дейсиз?!

«Онамнинг айтишларича, — деб хотирлайди бу ҳақда унинг қизи Анорхон Давронова изтироб билан, — 1937 йил 30 августида ҳозирги Тошкент шаҳар Олой бозори яқинидаги Уездная кўча 13 уйдан эрта тонгда 2 ҳарбий кийимли киши келиб тўсатдан қўлларида 5—6 ойлик чақалоқлик вақтимда онамни, мен билан бирга қамоққа олиб кетишган. Онам 1947 йил биринчи марта қамоқдан келганларидан сўнг ҳам ёруғ кун кўрмадик (Бунга қадар мен аммамлар қўлида, акам Пўлатбек Аҳмадбеков, аввал етимхонада, сўнг холам Гулчеҳра қўлида онага зор бўлиб яшадик. Чунки у вақтда Гулчеҳра холамнинг эрлари таниқли адабиётшунос Раҳмат Мажидий ҳам «халқ душмани» сифатида туҳматга учраб, қамалиб узоқ сургунда эдилар). Укам Омон Султонов эса сургунда туғилиб, сургунда ўсди. Мен 1954 йил ТошМИда ўқиб «Малик» совхозида пахта териб юрган куз кунларининг бирида онам сўнгги сургундан қайтиб, пахта даласига мени излаб келдилар. Ўша вақтда санитария-гигиена бўлими раҳбарлари ҳатто етти йил қамоқда бўлиб кўрмаган одам билан ҳам бир-икки кун уйга бориб келишга рухсат беришмади ва шу ердаги бир хонадонда тонггача хўрланиб ухламай чиқдик.

Эртаси онам Урганчга, мен эса пахта даласига кетдим. Онам умрининг охиригача ўша ўзи туғилган қишлоғи Урганч шаҳар, Чандир Қият қишлоғида ўз севган матбуотчилик касбларидан тамомила бошқа бир касбда ишлашга мажбур бўлиб, турғунлик йиллари орзу-армонлари ушалмай оламдан ўтдилар. (Чунки улар қамоқдан қайтгач ҳам узоқ вақтгача эски доғ шарпасида уни Тошкентда яшаши ва ишлашига рухсат бўлмади. Ўқиш гувоҳномалари ҳам, фирқа билетлари ҳам НКВД ва фирқа ташкилотлари томонидан олиб қўйиб, қайтарилмаган эди. Хоразмда ҳам матбуот соҳасида ишлашга ишонмаган бўлсалар керак). Биз ҳар йили болаларимиз билан унинг Урганчдаги қабрини зиёрат қилиб қайтамиз. Укам Омон Султонмуродов ўша ерда мактабда тарих ўқитувчиси. У онам ёққан маърифат чироғини ўчирмай, юртдошлари фарзандларига ҳормай-толмай таълим ва тарбия бериб келмоқда. Инсон ҳуқуқлари поймол этилган жойда фароғат бўлмаслигидан огоҳ этаётир. Чунки у яхши биладики, тарих ҳақиқатни сўйлаган чоғдагина ибрат солномасига айланади. Давримизнинг ўзи буни исботламоқда.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди.

4

Хориждан хабарлар



Болгарияда тузилган «Қизил беретлар» деб номланган махсус бўлинма мамлакат фуқароларининг тинчлигини қўриқлайди ҳамда фавқулодда вазиятлар юзага келганда ёрдамга шошилади. Бўлинманинг 154 нафар аъзоси бор. Ёши 35 ёшгача бўлган йигитлар спортнинг дзюдо, каратэ, парашютдан сакраш, сувда сузиш турлари бўйича етук мутахассислардир.

СУРАТДА: «Қизил берет»чилар кундалик машғулотларидан бирида.

(ТАСС—БТА сурати).

ПОЛИЦИЯ ЎҚҚА ТУТДИ

КАТМАНДУ. (ТАСС). Дастлабки маълумотларга кўра, полициячилар қирол саройи томон кетаётган демократик ўзгартишлар тарафдорларининг йўлини тўсишга уринишлари натижасида ўнлаб кишилар ўлдирилган.

Мамлакатда қонун доирасидан ташқари амал қилаётган партиялар — Непал конгресси ва Бирлашган сўл фронтнинг даъватига жавобан ялпи иш ташлаш эълон қилинди. Пойтахтда норозилик юришида қарийб 200 минг киши иштирок этди. Бу — мамлакат тарихидаги энг катта оммавий намойишдир.

Непал пойтахтини қамраб олган оммавий ғалаёнлар муносабати билан Катмандуга мунтазам армия бўлинмалари киритилди.

Непалнинг бошқа шаҳарларидан келган хабарларга кўра, у ерларда ҳам халқ ғалаёнлари бўлмоқда. Ўлдирилган ва жароҳатланганлар бор.

КЎПМИНГ КИШИЛИК НАМОЙИШЛАР

БЕРЛИН. (ТАСС). Озод немис касаба союзлари бирлашмасининг даъватига биноан ўтказилган намойишларда берлинликлардан қарийб 100 минг киши, ГДРнинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилувчи ўн минглаб аҳоли иштирок этди.

Намойиш иштирокчилари Ғарбий Германия федерал банки ва ГФРдаги етакчи сиёсатчиларнинг икки герман давлати ўртасида валюта ва иқтисодий иттифоқ тузилаётганида ГДРнинг икки маркасини ГФРнинг бир маркасига тенглаштириб, камситувчи айирбошлаш курсини жорий этиш ниятига қарши норозилик билдирдилар. Бундай тадбир, касаба союзларининг, кўпгина сиёсий партиялар ва кенг жамоатчиликнинг фикрича, ГДРдаги миллионлаб гражданларнинг турмуш даражаси кескин пасайишини, ҳатто уларнинг қашшоқлашиб кетишини билдиради.

БОШ ВАЗИР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

ТОКИО. (ТАСС). Япония Бош вазири Тосики Кайфу Совет Иттифоқида амалга оширилаётган қайта қуришнинг йўналишини қўллаб-қувватлашини ва у янада мустаҳкамланишига тилакдош эканини таъкидлади. У парламент вакиллар палатаси бюджет комиссиясидаги мунозараларда сўзга чиқиб, М. С. Горбачевни унинг ваколатларини кенгайтирувчи СССРнинг биринчи Президенти лавозимини эгаллагани билан қутлади. Япония ҳукуматининг бошлиғи бу М. С. Горбачевга КПССнинг бир партияли ҳукмронлик системасидан воз кечиб, кўп партияли системага ўтиш шароитида мамлакатга умумий раҳбарлик қилиш имконини беради, деган фикрни билдирди. «Мен унинг ўз раҳбарлик кучини янада фаолроқ намоён этишини ва қайта қуришни янада ривожлантириш йўлидан олға боришни давом эттиришини истайман», — деб таъкидлади Кайфу.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

ВЕНЕСУЭЛАЛИК Элайн Паз Медина деган аёл бирданига икки қиз ва тўрт ўғилнинг онаси бўлди. Чақалоқларнинг вазни жуда кам, яъни 850 граммдан 1100 граммгача. Олти чақалоқнинг умумий оғирлиги эса 6 килограммдан сал ортиқроқ. Табибларнинг хабар беришича, она ва болалар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Элайн Медина 20 ёшда бўлиб, ишсиз нефтчининг хотини. Мединанинг эри ишсиз бўлса-да, лекин бу воқеадан жуда курсанд. Чунки оилага давлат фирмалари ва хусусий компаниялар ёрдам фондини ташкил этдилар. Мединанинг 6 чақалоқдан ташқари яна 3 яшар ўғли ҳам бор.

Эр-хотинларнинг оналари ҳам уч марта эгизак фарзанд туғишган, балки шунинг учун ҳам ёш оилада икки баравар кўп эгизак туғилгандир, бу генларнинг қўшилиш натижасидир балки, дейишмоқда табиблар.

Шифокорларнинг таъкидлашларича, дунёда бирданига 6 инсон туғилган ана шундай 12 ҳодиса рўйхатга олинган. Венесуэладаги бу воқеа эса ўн учинчи рекорддир.

«Гиннеснинг рекордлар китоби»нинг 1989 йилги маълумотларига кўра, 10 та чақалоқли эгизаклар ҳам туғилган.

АГАР БОШИНГИЗ ОҒРИСА

КИМКИ бош оғриғидан азият чекса, ёки об-ҳаво ўзгаришидан суяклари зирқираса, эндиликда бу азоблардан осонгина қутулиши мумкин. Бунга Мюнхен дорилфунуни профессори Райнер Пелканинг яратган қурилмаси имконият яратди. Қурилма чўзинчоқ тухум шаклида бўлиб, сирти тилла суви билан сайқалланган. У электромагнит майдонига эга. Шунинг учун ҳам бош оғриган пайтда «олтин тухум»ни пешонасига тутилса бас, бир зумда оғриқ йўқолади.

ДАРАХТ УСТИДА ЯШАЙДИГАН ОДАМ

ЭЛДОРЕТ шаҳрилик Коситет исмли киши яшаш учун тоғни ёки ўрмонни, шаҳар ё қишлоқни эмас, балки шаҳар ўртасидаги шохлари тарвақайлаб кетган дарахт тепасини танлаган. Мана неча йилдирки, у вақтини дарахт тепасида ўтказмоқда; тунда 15 метр баландликда жойлашган (дарахтда) капасида ухлайди, кундузи эса ёғочдан кун бўйи ҳар хил ҳайвонлар тусидаги қўғирчоқлар ясайди.



Азиз ўқувчиларга маълумки, 1986 йили Ғ. Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, «Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида» китобини нашр этганди. Китоб дадамиз — Ҳабибулло Қодирий томонидан тайёрланиб, ундан бобомизни кўрган, билган, бирга ишлаган, ҳамсуҳбат бўлган кишиларнинг хотиралари ўрин олганди. Ўша пайтда айрим раҳбарларнинг айби билан Зиёутдинхон Бобохоновнинг хотираси нашрдан тушириб қолдирилганди. Энди замон ўзгарди. Биз бу воқеа ва ҳодисаларнинг ташқи белгиларига қараб эмас, моҳиятига қараб баҳолашни ўрганмоқдамиз.

Бувамизнинг таваллуд кунлари муносабати билан ушбу хотирани муштарийларга ҳавола этамиз. Зеро, хотирадаги гаплар Қодирий ҳақида сизга янги маълумотлар беради, деган умиддамиз.

Шеркон ҚОДИРИЙ.

ЗУБДАТУЛ КУТТОБ*

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) халқимиз ичра хусусан мақбул ва машҳур бўлган ёзувчилардандир. У, қалами ўткир, илм-маърифатга ўч, соҳиби илмларни ниҳоят эҳтиром этувчи шахс эди.

1929-1930 йилларда бўлса керак, Абдулла Қодирий билан бир неча ўлтиришларда бирга бўлганман. Ўшал ўлтиришларнинг баъзилари хотирамда яхши сақланган:

Кўкалдош мадрасаси ортида бўйра сотувчи Юсуф ҳожи исмли бир киши бўлар эди. Бу кишини Бўйрачи ҳожи, деб аташар, ўзи илм ва адабиётга мухлис, қиблагоҳимиз (муфтий эшон Бобохон ҳазратлари)га ошна, шу туфайли мен ҳам у кишига яқин эдим. Бир кун, юмуш билан шу Бўйрачи ҳожи дўконига кирсам, қозоғистонлик бир олим билан (исмини унутдим) сўзлашиб ўтиришар эди. Учовлон суҳбатимиз қизиб кетди. Гап Абдулла Қодирий хусусига келиб тўхтади. Мазкур олим Абдулла Қодирий билан бир кўришиш орзуси борлигини Бўйрачи ҳожига изҳор қилди. Бўйрачи ҳожи ўзининг Абдулла Қодирий билан яқин ошналигини айтиб, агар истасалар шу куниёқ у кишининг уйига бошлаб бориши мумкинлигини билдирди ва йўлга отландилар.

Мен ҳам, гарчи тошкентлик бўлсам-да, ўша кунгача Абдулла Қодирийни фақат асарлари орқали таниб, ўзларини кўрмаган ва бир кўришга иштиёқда юрар эдим. Бу тасодифдан фойдаланиб, уларга ҳамроҳ бўлдим.

Пешин чоғи яёвлашиб Самарқанд дарвозасига Абдулла Қодирийлар боғига чиқиб бордик. Очиқ эшикдан боққа кирдик. Боғ, чамаси ташқари ҳисобланаркан шекилли, кимсадан холи кўринарди. Боғ жуда тартибли ораста, четларига қозиқтол экилган, узун ариқдан сув шарқираб оқар, ўртада икки қаватли янги шийпон қурилган эди. Бўйрачи ҳожи бизни таваллуфсиз шийпон тагига бошлаб кириб, курсиларга ўтказди ва ўзи уй эгасини ичкаридан чақиргани чиқиб кетди.

Биз стол устидаги китоблардан олиб ўтирдик. Ёдимда, шу китоблардан бирининг номи «Ғиёсул-луғот» деб аталувчи, қомус шекилли, катта қўҳна китоб эди. Биз ундан баъзи сўз мазмунларини ўқиб англадик.

Бир вақт, Бўйрачи ҳожи, оқ қалпоқли, яланг-оёқ, қорачадан келган бир киши билан сўзлашиб кириб келди. Ул киши биз билан кўришиб, белбоғига қистирилган тешасини олиб қўйиб ўтиргач, қозоғистонлик меҳмон билан суҳбатлаша бошлади. Мен бу кишини бирон хизматчи ёки бинокор уста бўлса керак, деб фараз қилдим ва кўнглимдан «бул уста ҳам илмдан бохабар кимса кўринади» деган андишани ўтказдим...

Улар гўё бир-бирларини имтиҳон қилмоқчидек, араб адабиёти бобида ярим соат мўл суҳбат қилдилар. Мен суҳбат узилиш бўлган фурсатдан фойдаланиб, «Абдулла Қодирий бор эканларми, келадиларми?» деб сўрадим. У киши кулиб «ҳозир келиб қоладилар» деди ва ҳаммалари кулиб юборишди. Билсам, шу киши Абдулла Қодирий эканлар. Биз борган фурсатда у киши ўзлари устачилик қилиб боғларининг тоғ тарафига янги дарвозахона қураётган эканлар...

Мен у чоқларда гарчи озмоз илмдан бохабар бўлиб, араб-форс тилларини бирмунча билсам ҳам, ёш (20-21 ёшларда) эдим. Фикр юритишларим, ёзувчилик борасидаги ақидаларим ҳам ёшларча эди. Шу кун суҳбат асноси фурсати келиб, Абдулла Қодирийга шундай савол бердим:

— Кечирасиз, одобсизлик бўлса ҳам... Сиз-ку, ёзувчисиз, ҳамма нарсани ичингиздан тўқиб чиқарасиз. Шу ҳолда мана бу «Ғиёсул-луғот» сингари эски китобларни мутола қилиш не даркор?»

Абдулла Қодирий кулиб дедилар:

— Ёзувчи ҳамма-ҳамма нарсадан имкон борича хабардор бўлмоғи шарт. Билимсиз, хабарсиз, қуруқ ичидан тўқийверишлик, бу, қуруқ ёзувчиликдир.

Биз у кишини ишдан қўймаслик учун тезроқ қўзғалдик. Ташқарига чиқиб боғларини ва шийпонларини томоша қилдик. Ёдимда, у киши «бу шийпоннинг тарҳини ўзим чизганман» дедилар.

* * *

Ўзи Самарқанд дарвозалик, Абдулла Қодирийларга боғ қўшни, касби сувоқчи, аҳли илмни қадрловчи, Ҳидой Махзум исмли яқин бир дўстимиз бўлар эди. Шу дўстимиз кунларнинг бирида ўз боғига бизни меҳмонга чақирди. Меҳмондорчиликка олимлар кўп, Абдулла Қодирий ҳам таклиф қилинган, ўтирганлар ичида энг ёши мен эдим.

Меҳмондорчилик — суҳбатда Абдулла Қодирий сўзлашдан кўра кўпроқ тинглаган ва мақоми келганда аста сўз бошлаб, жиддий фикрларни орага ташлар, ҳазил воқеалардан ҳикоя қилардилар. Уламолар ўртасида суҳбат тобора қизиб борарди. Мажлисни марҳум қиблагоҳимиз бошқарар эдилар. Суҳбат Қуръон оятлари ва тафсир маъноларига келиб тўхталди.

Мулла Жамолхўжа исмли бир олим Қуръон оятларининг мазмунан бир-бирига ниҳоятда мос тушганлигини, ҳатто ҳарфлар ўзаро ҳамоҳанг келганлигини баён қилди.

Шу фурсатда Абдулла Қодирий одоб билан аста муфтий ҳазратларига савол бердилар:

— Эшон бува, мана, мулла Жамол домла Қуръон оятларининг бир-бирига мазмунан мослиги ва ҳатто ҳарфан ҳамоҳанглигини баён қилдилар. Мен Қуръондаги бир оятни ўқиб, маъноси мувофиқ келадими, йўқми деб кўнглимдан кечирдим.

Отамиз «Абдулла Қодирий Қуръон маъносидан ҳам бохабар экан-да», деганда ажабланиб қарадилар ва:

— Қани, ижтибо қилган жойингизни ўртага ташланг, билсак ҳал қилиб берамиз, билмасак тафсир кўрамиз — дедилар.

Абдулла Қодирий шул оятни ўқидилар:

— Афало янзуруна илал ибили кайфа хулиқат ва илассамо кайфа руфиат».

Оллоҳ бу оятда инсонларни ибрат олишга чақиради. Оятнинг таржимаси шундай: «ул инсонлар манави туяга қарамайдиларми, қандай яратилган; осмонга қарамайдиларми, қандай баланд кўтарилган».

Олимлар: «бу оятнинг ҳеч ижтибо қиладиган жойи йўқ, мулла Абдулла, туя дарҳақиқат ажойиб яратилган махлуқ, унинг жуссасининг катталиги, оғир юкларнинг узоқ жойларга кўтариб бора олиши, бир неча кунлаб сувсизликка чидай олиши, ёш бола етакласа ҳам етовга юриши ҳар қанча таажжубга лойиқ» дейишди.

— Мен, оят маъносининг бу жиҳатини мулоҳаза қилаётганим йўқ, тақсирлар, — дедилар Абдулла Қодирий — мулла Жамол домла, Қуръон оятларининг ҳаммасини мазмунан бир-бирига мос демоқчилар. Мен шунисини билмоқчи бўламанки, оятда, «туяга қарамайдиларми» дейилади, яъни жумлада ўзаро мантиқий боғланиш кўринмайди. Гап туя ҳақида бора туриб, тўсатдан осмон баҳсига ўтиб кетилади. Туя баҳси билан осмон баҳси ўртасида қандай муносабат, мантиқий боғланиш бор? Мени шу мулоҳаза ўйлатиб қўйди, Эшон бува.

Абдулла Қодирийнинг бу фикрлари ўтирган олимларнинг ҳаммасини ўйлатиб қўйди.

Мулла Жамолхўжа сўз олиб деди:

— Мен бир тафсирда туя маъносини булутга нисбат қилинганлигини ўқиган эдим...

Абдулла Қодирий бу жавобдан мамнун бўлгандай ёришиб дедилар:

— Агар, сиз айтгандек, туя сўзи замирида булут маъноси англашилса, «булутга қарамайдиларми, осмонга қарамайдиларми»... Фикр жисмларининг ёндашиши жиҳатидан, жумланинг мантиқий тарафи бирмунча тўғри келади...

Шу суҳбат чоғида бўлса керак, Абдулла Қодирий ҳинд сеҳргарлари борасида кулиб ҳикоя қиладилар. Абдулла Қодирий Ҳиндистонда бўлмаган, аммо сеҳргарлар ҳақида китоблар ўқиб, ул тарафларга борганлар билан суҳбатлашиб билган бўлсалар керак.

— Сеҳргарлик лаёқатига эришмоқ учун, киши ёшликдан бошлаб кўп риёзат, азият чекмоғи, емоқ, ичмоқ, кийинмоқ, ётмоқ, умуман ҳар важдан ҳам ўзини ниҳоят чекламоғи, қийнамоғи, ҳатто ўзига ўзи зулм этмоғи керак экан. Узоқ йиллар, ҳатто умр бўйи чеккан шунингдек оғир риёзатлари баъдида ҳорикулодда ҳунарларни (мўъжиза) кўрсата олиш даражасига етишар экан, дедилар, — Абдулла Қодирий ҳикоя қилиб. — Масалан сеҳргар бир неча йиллаб сочидан дарахтга осилиб турар, ерга бўйнидан кўмилиб ўтирар, мих қоқилган тахта устида яланғоч ётар экан... Бу хил қийноқлар билмадим, қанчалик ҳақ, аммо шу даражалардан сўнг, муддао ҳосил бўлур экан... Мен бундай риёзат чекишнинг хосиятини айтмоқчиман, тақсирлар.

Абдулла Қодирий ҳинд сеҳргарлари ҳаётидан шундай бир ҳикоятни айтдилар:

Ҳиндистонга келган бир гуруҳ инглиз сайёҳ сипоҳилари бир ҳинд сеҳргаридан ҳорикулодда ҳунарлар кўрсатишни талаб қиладилар. Сеҳргар саҳнада турли мўъжизалар кўрсата бошлайди: қўлидаги таёқчаси билан ёниб турган электр чироқларини бир-бир нишонга олиб ўчириб чиқади, зални бирдан чидаб бўлмас даражада иситиб ва совутиб юборади, саҳна ўртасида туриб ўзини бирдан ёндириб юборадида, кул бўлиб тушгач, саҳна эшигидан кулиб қайтиб кириб томошабинларга қуллуқ қилади, бир дона қовоқ уруғини сув тўлдирилган косага солиб, устини дока билан ёпади ва ўткир кўзларини косага тикиб қараб туради. Қовоқ уруғи аста кўкариб косадан палак отиб чиқади ва гуллаб қовоқ туга бошлайди, ҳоказо...

Сипоҳилар яна-яна мўъжиза талаб қилаверадилар. Шунда ҳориган сеҳргар сипоҳилардан аччиғлангандек бўлади-да, уларга ўқрайиб бир-бир қараб чиқади ва аразлагандек саҳнадан чиқиб кетади. Сипоҳилар умидсизланиб ўринларидан турмоқчи бўладилар. Бироқ, биронтаси ҳам қимирлай олмайди, ўзларини гўё ўтирғичга ёпишиб қолгандек ҳис қиладилар. Шундан сўнг сеҳргардан узр сўрайдилар. Сеҳргар кириб уларни «озод» қилади...

* * *

Абдулла Қодирий қанчалик шуҳрат қозонган бўлмасин, зинҳор кибрга берилмаган, ғоят камтар, ишчими, деҳқонми, мардикорми, зиёлими, руҳонийми, мансабдорми — ҳаммага баробар қаровчи инсон эди.

1932-1933 йилларда Тошкент шаҳар Инжиқобод мавзуидаги Ўзбекистон ёзувчилар боғида Иноғом ота исмли бир соҳибкор — боғбон қўли остида ишчи бўлиб ишлар эдим.

Ёз кунларининг бирида, шу боққа кечки пайт, билмадим, мажлисми, зиёфатми бўлса керак, кўп ёзувчилар йиғила бошладилар.

Меҳмонлар машинада, пиёда бирин-кетин келиб ҳовуз лабига тайёрланган жойга тўпланар эдилар. Биз, боғ юмушлари билан машғул эканмиз, шуни сездикки, бу мажлисга Абдулла Қодирийнинг ҳам келиши кутилар экан.

Кўп фурсат ўтмай Абдулла Қодирий ҳам боғ дарвозасидан қора машинада кириб келдилар. Аммо, у киши дарвозадан киргач, бошқалардек тўғри ўтиб кетмадилар. Машинани тўхтатиб, тушдилар ва тўғри бизнинг ёнимизга келиб, «ҳорма, бор бўл» қилдилар, ҳамма ишчилар билан бирин-кетин кўришдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар, сўнг мажлис томонга йўл олдилар.

Шунда биз ишчилар Абдулла Қодирийнинг бунчалик камтарлиги, одамийлиги, меҳрибонлиги, ҳар бир кўришган кимсаси билан очиқ чеҳра, самимий қалб муомала қилганларидан бениҳоя қувонган, кўнглимиз тўлган эди. Шу боисдан ҳам бу илиқ хотиралар кўнглимда абадий сақланиб келади.

[1974 йил 17 июль].

Зиёутдинхон БОБОХОНОВ.

*Зубдатул куттоб — китоб ёзувчиларнинг сараси.

Мусаввир билан учрашув

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти қошидаги бадиий-графика факультети рангтасвир кафедрасининг ижодий коллективи, ўзларининг кўп йиллик тажрибаларини кенг санъат шайдолари билан баҳам кўриб келишмоқда.

Кафедра ижодий ходимлари, шаҳримиздаги кўпгина мактаблар билан ҳам санъат сирлари ҳақида ўзаро мулоқот қиладилар. Ўқувчилар билан учрашувлар ўтказишади.

Куни кеча, ана шундай санъат кечаси, шаҳримиздаги Фрунзе ноҳиясига қарашли 73-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси, жумҳуриятимизнинг таниқли мўйқалам соҳиби, факультет рангтасвир кафедрасининг катта ўқитувчиси Ғофир Абдураҳмоновнинг ижоди билан танишдилар.

Мактаб фаоллари бўлмасида мусаввир асарларидан кўргазма ташкил этилди. Унда мусаввирнинг гўзал Кавказ ўлкаси ҳақида сўзловчи туркум манзаралари, серқуёш диёримиз мадҳи, меҳнаткаш халқимиз вакилларининг қатор портретлари, юртимизнинг ширин-шакар ноз-неъматларини томошабинга кўз-кўз қилувчи натюрмортлари, ўтмишимиз тўғрисида мунозара юритувчи тарихий жанрларда яратган полотнолари ва бошқа қатор асарлари ўрин олган.


Санъат кечасида мусаввир ўзининг ҳаёт йўли ва ижоди ҳақида ўқувчиларга ҳикоя қилиб берди. Ўқувчилар санъат оламида ўзлари қизиққан саволлар билан мусаввирга мурожаат қилишди. Кеча қизғин мунозарали савол-жаволлар билан ўтди.

Ушбу айёмда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли мусаввир, профессор М. Набиев, санъатшунослик номзоди Н. Абдуллаев, СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси А. Мўминов ва бошқа санъат соҳиблари қатнашдилар.

Санъатшунос Н. Абдуллаев ўқувчиларга мусаввир асарларининг яратилиш тарихи, ижодий услуби ва асарларнинг ғоявий жиҳатлари тўғрисида сўзлаб берди.

Кеча сўнггида мусаввир мактаб маъмурияти ва ўқувчиларга ўз асарларидан эсдалик совға тақдим этди.

Насриддин НУРМАТОВ,
Низомий номли ТДПИ бадиий-графика факультетининг 5-курс толиби.



М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри биносида маҳаллий мусаввирларнинг асарлари кўргазмаси очилди.

Бу ерда намойиш этилаётган рангтасвир полотнолари, керамика, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик асарлари қаршиликларнинг, айниқса, ёшларнинг эътиборини тортди.

СУРАТДА: кўргазма залларидан бирида.

Ш. ШАРОПОВ суратга олган.
(ЎзТАГ фотолавҳаси).

Она тилимиз—бебаҳо бойлигимиз

АЙНИ АМАЛИЙ ИШЛАР ПАЛЛАСИ

(ТИЛ ҲАҚИДАГИ ХАТЛАР УСТИДА ЎЙЛАР)

Ўзбек халқининг кўп йиллардан буён дилига тугиб, аммо тилига чиқариб айтолмай гунг бўлиб келган орзуси қайта қуриш шарофати билан рўёбга чиқди. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Умуман Қонун ўзбек халқининг ва жумҳуриятимиз ҳудудида истиқомат қилаётган бошқа миллатларнинг орзу-умид ва талабларига, давр тақозосига, жамиятда содир бўлаётган демократик жараёнларга мос келиши аён.

Жумҳуриятимиз ҳукумати Қонун амал қилишини таъминлашга қаратилган бир қатор ташкилий тадбирларни кўрди. Жумладан, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 4 ноябрда қабул қилган 364-сон қарорида Қонунни рўёбга чиқаришга оид тадбирларни тасдиқлади. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Нозирлар Кенгашининг Қонунни амалга ошириш давлат ҳаракатномасини ишлаб чиқиш комиссияси тузилди. Ҳаракатнома лойиҳаси кўриб чиқилиб маъқулланди ҳамда шу йилнинг 8 февралида тасдиқланганлиги муштарийларга маълум. Демак, уни рўёбга чиқаришнинг, амалий ишларнинг айни қизғин палласига кирди.

Буни биз бежиз таъкидлаб ўтаётганимиз йўқ. Муштарийларимизнинг редакциямизга йўллаётган мактубларида тил тўғрисидаги Қонун суст амалга оширилаётганлиги, аввал аҳвол қандай бўлса, шундай ўзгармай қолаётганлигини куюнчаклик билан ёзганлар. Бундай хатлар кўп. Лекин шулардан баъзи бирларини келтириб ўтамиз, холос. Масалан, Тошкент вилояти Тошкент ноҳиясидан А. Мавлонов шундай ёзади: «Жамоамиз 450 кишидан иборат, фақат 25-30 бошқа миллатга мансуб кишилар бор. Лекин йиғилишлар барибир рус тилида ўтказилмоқда». Сирдарё вилояти, Боёвут ноҳиясидаги Димитров номли пахта тозалаш заводида созловчи бўлиб ишлаётган Чори Шаропов, Бухоро вилояти Пешку ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалигининг 4-бригадасидан Ҳайдар Тошев, Самарқанд вилояти Самарқанд ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг 13-бригадасидан Ш. Хушвақтов, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз ноҳиясидан Салом Ҳамроев, Тошкент шаҳри Юнусобод даҳасидан Тўлқин Қодиров, Куйбишев ноҳиясидан Мирносир Юсупов ва бошқа ўнлаб хат муаллифлари йўллаган мактубларда ўзбек тилида иш юритиш, жойларнинг номларини ўзгартириш сингари масалаларни кўтарганлар. Шунингдек, жумҳуриятимизда кўпдан-кўп маҳаллий жойнинг ўзига хос хусусиятини, тарихини ифодаламайдиган номлар кўплигини аниқ мисолларда кўрсатиб ўтишган.

Бу куюнчаклик ҳаммага тушунарли. Ахир халқ дилининг кўзгуси — унинг тили. Буни унутмаслик лозим. Шунинг учун ҳар бир даҳада, маҳаллада, ташкилотда — хуллас жумҳуриятимизнинг барча жойларида давлат тилини қўллашга фаол киришиш, бу соҳада фаоллар ташаббускорлик кўрсатишлари зарур. Чунки бу ишни ташқаридан бирор бир киши келиб қилиб бермайди.

«Ёш ленинчи» мафкура бўлими.

Дастлабки очко

Биринчи лига командалари ўртасида ҳам чемпионат ўйинлари давом этмоқда. Ўтган жума ва шанба кунлари навбатдаги ўйинлар бўлиб ўтди. Натижалар қуйидагича: «Тирас» — «Геолог» — 0:0, «Таврия» — «Шинник» — 0:0, «Кубань» — «Локомотив» (М) — 0:3, «Нефтчи» — «Қайрат» — 0:0, «Металлург» — «Динамо» (Ст) — 2:0.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси биринчи ўйинни сафарда Ленинграднинг «Зенит» командаси билан ўтказди. Қизиқарли ўтган учрашув 1:1 ҳисоби билан тугади.

Шундай қилиб, бу йил биринчи эшелонда қатнашаётган командалардан тўрттаси олий лигага бериладиган йўлланма учун кураш олиб боради.

УЗТОЗЛАР ЙЎҚ...

Узоқ ва ноҳақ курашлар сўнггида, ниҳоят, ҳақ ўз ўрнида қарор топди. Турғунлик йилларида камситилаб, инқирозга юз тутай деб қолган она тилимиз, жумҳурият Давлат тили сифатида тан олинди. Ушбу қонун аста-секин бўлсада мажруҳ тилимизнинг ярасига малҳам бўлиши аниқ. Мана қонуннинг кучга кирганига ҳам яқин ярим йил бўлиб қолди. Хўш, у ҳаётимизга қандай татбиқ этилмоқда? Биз юқоридаги савол билан Тошкент шаҳар тиббиёт билим юртининг (Н. Ф. Воровский номли) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари А. В. Бобринага мурожаат қилдик.

— Жамоамизнинг умумий йиғилишида тил ҳақидаги қонунни қай йўсинда амалга оширишнинг режаси ишлаб чиқилди, — дейди Алла Борисовна. — Ҳозир дарслар ўзбек тилида ўтила бошланди. Ҳ. Р. Саидаҳмедова, С. С. Ғуломова, Ҳ. С. Ғаниева каби жонкуяр ўқитувчиларимиз ўқув дарсликларини ва қўлланмаларни ўзбекчага ўгиришмоқда. Бу йилги қабул синовлари ҳам тўлиқ ўзбек тилида ўтказилиши учун тайёргарлик кўрилаётир. Билим юртимизнинг ўз газетаси бўлмиш «Ҳамшира» ҳам илк марта ўзбек тилида тайёрланди. Энди ходим ва хизматчиларимизнинг тил ўрганиш масаласига келсак, ўзбек тили ўқитувчимиз Саида Нажимова уларга ўзбек тили сирларини ўргатмоқда. Аммо, ўқитувчиларимизни ўқитиш учун малакали устоз топилмаяпти. Ҳозиргача бу масалада қилинган ҳаракатларимиз бекор кетди. Шунинг учун вақтинчалик барча ўқитувчиларимизни «Самоучитель» билан таъминладик. Малакали ўқитувчилар масаласи ҳам ҳал бўлиб қолар деган умиддамиз.

Бизга Алла Борисовнанинг малакали ўқитувчи ҳақидаги сўзлари таънадек туюлди. Тўғри-да, узоқ тортишувлар билан тилимизни Давлат тили даражасига кўтаришга эришса-гу, уни ўргатадиган устоз топилмаса. Ушбу муаммо жумҳуриятимиздаги бошқа ташкилотлар, жамоаларни ҳам ўйлантириб турибди. Айниқса тил масаласида мутасадди бўлган ташкилотлардаги ўртоқлар бу масалада ҳам бир бош қотириб кўришса фойдадан холи бўлмасди.

Эсон РАХМОНОВ.

ТВ

ЧОРШАНБА — 11 АПРЕЛЬ.

● ЎзТВ I

11.30 «Қишлоқдан келган шаҳарликлар». Телефильм. 12.30 «Қамал». Тўрт серияли бадиий фильм. Тўртинчи фильм — «Искра» операцияси».

* * *

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 18.15 «Шоирлар — болаларга». Султон Жўра. 18.55 «Хизмат кўрсатиш тармоқлари». Қашқадарё вилоятида ободонлаштириш. 19.30 Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. ВЛКСМ XXI съезди делегатлари билан учрашув. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Йўлдош Муқимов. «Наврўз ва Аёзмомо». Адабий-мусиқий кўрсатув. 21.40 Долзарб мавзу. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Олтинчи июль». Бадиий фильм («Мосфильм»). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 Болалар учун концерт. 18.40 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали. 18.50 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм. 2-серия. 20.10 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Манфаатдорлик» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ҳаёти деҳот». Ердан фойдаланиш муаммолари ҳақида. 21.40 «Тақдир». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қимат Ашурова ҳақида киноочерк. 22.00 «Ахбор». 22.20 Тожикистон санъат усталари ва ижодкор ёшларининг концерти.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Елканлар остидаги ўлим». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 9.10 «Чоко ва Боконинг саргузаштлари». Мультфильм. 1-қисм. 9.35 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Москва). 2-тайм. 10.25 «Саёҳатчилар клуби». 11.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Афғонистон тароналари». 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 12.30 А. Зурабов. «Лика». Телевизион спектакль.

* * *

15.15 «Мусиқий хазина». Л. В. Бетховен. 9-симфония. «Гевандхауз оркестр» ижро этади. Дирижёр — Курт Мазур (ГДР телевидениеси). 16.25 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Андреев байроғи остида» (СССР Мудофаа министрлигининг киностудияси), «Сув остида излаш» (Киев). 17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.25 Шеърият лаҳзалари. 19.30 «Бу беқиёс овоз». Театр ёдномалари. М. И. Бабанова. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 Долзарб интервью. 21.15 Тикланиш» (Крекшинда, Л. Н. Толстой ҳузурида). 21.45 «Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар». 23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35, 9.35 Табиатшунослик. 3-синф. Ўрмон томошаси. 9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.35 Умумий биология. 10-синф. Экологик системалар. 11.05 «Нон. Уй. Соҳиб». Илмий-оммабоп фильм.

12.05 «Тоққа саёҳат». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.35 Чех филармонияси симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр — В. Нойман. 13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Илк қувончлар». 2-қисм — «Ажойиб ёз». 5-серия. 14.10 Бадминтон. Европа чемпионати.

* * *

16.30 Стол тенниси. Европа чемпионати. Швециядан кўрсатилади. 17.00 Телевизион мусиқий абонемент. «Импровизация оламида». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Довюраклар».

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 01233. Д. — 23112.